

Бекназар ДҮСТМУРОДОВ, Шавкат МАТЕКУБОВ



Халық хөфигілари



Бекназар ДҮСТМУРОДОВ, Шавкат МАТЕҚУБОВ

Халқ хоризлари



1267(с)

Тошкент — «ILM ZIYO» — 2011

УДК 784(575.1)
ББК 85.314(5Ў)
Д99

Мусиқа бетимсол руҳий қувват, одамзотни ҳайтга ва эзгуликка чорловчи қудратдири. Соз чалинганда, хонанда хониш қилганида, гўё инсон танаси жунбушга келгандай бўлиб, туйгулар юз, кўз ифодасида, айнича, овозда ўз аксени топади. Эътибор берадиган бўлсақ, қадимги зардушийлар китоби «Авесто»даги мадҳиялар ҳам қўшиқ шаклида ижро қилинган. «Қуръони Карим» Расуллulloҳга овоз ва оҳанг орқали нозил бўлган. Шу сабабдан унинг ояларини қироатли, хушнафас овоз билан тиловат қилиш Аллоҳ қаломининг таъсирчанинги оширган. Аzonни юқори пардаларда чиройли овозда айтиш эса Ҳазрати Билолдан мерос. Бундан хулоса шуки, одамзот маълум бир эътиқодни, муқаддас гояларни ўзига, ўзгаларга қудратли сўз, гўзал оҳанг орқали сингдирган ва ундан таъсирланган.

Ўтган ўнлаб, юзлаб асрлар мобайнида аждодзаримизнинг тақдиди қандай кечди, кўнглида қандай ҳис-туйгулар ҳукмрон бўлди, буларнинг бари мусиқий асарларда ўз аксени топган. Бизнинг мумтоз мусиқамиз хоҳ у Бухоро шашмақоми бўлсин, хоҳ Хоразм мақомлари, хоҳ Фаргона — Тошкент мақом йўллари бўлсин, барчаси ўйчан, дардти нолалар, ҳазин, ҳасратли оҳангларга бой.

Ушбу китобда узсанъати, юксак ижрочилик маҳорати билан хатқимизнинг меҳрини қозонган ҳалқ доғизларининг серқирра ҳаёти ва бетакорр ижодига оид қизиқарли маълумотлар жамланган. Тўплам барча санъатга қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Тақризчилар: Р. АБДУЛЛАЕВ — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби; Б. МАТЕҚУБОВ — Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори, санъатшунослик фанлари номзоди; С. БЕГМАТОВ — Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори, санъатшунослик фанлари номзоди.

СҮЗБОШИ

Инсоннинг маънавий камолотида, унинг руҳан покланишида, асосий мезонлардан бири, бу — мумтоз мусиқа санъатидир. Шодон дамларда ҳам, бошга ташвиш тушган чоғларда ҳам дилбар навони тинглаб, ором топишимиznинг боиси аслида шу. Асрлар давомида шаклланиб, сайқал топган, ҳалқимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айланган мумтоз ашулаар, уларнинг тарғиботчилари бўлмиш улуғ ҳофизларнинг ижоди эзгуликка қаратилгани туфайли ҳамиша эътиборга, эътирофга муносибдир. Устоз санъаткорларнинг ижодий меросини ўрганиб, уни янада кенг тарғиб этиш, ёш авлод қалбига сингдириш масъулиятли ва шарафли вазифа бўлиб қолаверади.

Халқ орасида: «Яратган томонидан хушшадо, гўзал овоз ато этилган киши ярим шоҳдур», деган ҳикмат юради. Дарҳақиқат, хушсадо овозли хонандаларни бутун халқ ардоқлади, уйининг тўрида меҳмон қилиб, унинг хонишлиаридан баҳраманд бўлади. «Ярим шоҳдик»нинг ҳурмат, иззати ҳам шудир. Хонандалар «элимизда ҳар доим тўй, тинчлик-хотиржамлик бўлсин» дея ният қилишади. Сабаби, халқ тўй, байрамлар қилса, демак, бу юртда тўқлик ва фаровонлик ҳукм сураётган бўлади. Обод ва фаровон заминда байрамлар кўпаяди, улар эса ўз навбатида яхши санъаткорларни элга танитади. Зеро, улар орасида йиллар давомида халқ ардоқлаган хонандалар бисёр. Ҳозирги доруломон кунлар айнан фаровонлик ҳукм сураётган дамлардир. Шу боис эндигина санъат йўлига қадам қўяётган ёшлар ашула айтиш билан бирга ўзбек санъати, хонандалар, уларнинг овоз имкониятлари, ҳаётидаги ибратли воқеалар ҳақида маълумот олишса, фойдадан холи бўлмайди.

Ушбу китобда эл олқишига сазовор бўлган халқ ҳофизларнинг ҳаёти, ижоди, устозлари, шогирдлари ҳақида қисқача маълумот бериш баробаридан, овоз имкониятлари ва турлари борасида ахборот беришга ҳаракат қилинди. Улардан Ота Жалол Носиров, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Леви Бобохонов, Домла Ҳалим Ибодов, Жўрахон Султонов, Ҳожиҳон Болтаев, Маъмуржон Узоқов, Комилjon Отаниёзов, Ориф Алимаҳсумов каби ҳофизларни устозлар тазкираси сифатида ҳаёти ва ижоди борасида қисқача тўхталдик.

Етук ҳофизлардан Эркақори Каримов, Маматбува Сатторов, Жўрахон Юсупов каби устозлар ҳақида етарли ахборотга эга бўлмаганимиз сабабли, қўлланмада келтирилган маълумотлар билан чекландик. Бу кемтик навбатдаги изланишларда тўлдирилади деган умиддамиз.

Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳон Мамадалиев, Мұдаммаджон Каримов, Очилхон Отахонов, Фахриддин Умаров, Одилжон Юсупов, Қувондиқ Искандаров, Рўзмат Жуманиёзов, Алижон Эркаев, Эсон Лутфуллаев, Қобилжон Юсупов, Ҳасан Ражабий, Исмоилжон Ваҳобов, Исройлжон Ваҳобов, Ўлмас Сайджонов, Маҳмуд Йўлдошев, Бекназар Дўстмуродов, Фарҳод Давлетов, Маҳмуджон Тожибоев, Сойибжон Ниёзов, Оролмирза Сафаров, Абдунаби Иброҳимов каби Ўзбекистон халқ ҳофизларининг ҳаёти ва ижоди хронологик асосда ёритилди.

Мумтоз наволарнинг ажиб бир хислати бор. Улар устоз созанда ва хонанданинг идроки, қасб маҳорати ва қалб ҳарорати йўғрилган ҳолда баркамоллигини намоён қиласди. Айниқса, ҳофизлик санъати йўлида фидокорона меҳнат қилган устозлар ҳақида ҳар қанча гапирсак, уларнинг босиб ўтган йўлидан ҳар қанча ибрат олесак, шунча кам. Зоро, ёшлар маънавиятини бойитишда, асл санъатимизнинг бекиёс қирраларини дунёга танитишда етук ҳофизларнинг маҳорати бекиёс манба бўлиб хизмат қиласди. Президентимиз И.А. Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «Бизнинг миллий анъ-аналаримизга, ахлоқ-одоб қондаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қоришириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услугуб деб билаетгани, менимча, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас. Маданий жамоатчилигимиз, авваламбор, мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очиқ билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиш ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман».

Яна шуни айтишимиз мумкинки, айнан ўзбекона ижро хонанданинг юз, кўз ифодаси, айрим долларда қўл ҳаракати билангина қўшиқ матнини шарҳлашга қодир. Саҳнага чиқиб, йириқ-ямоқ кийимлар кийиб, менталитетимизга маъқул бўлмаган хатти-ҳаракатлар билан асарни шарҳлаш — бу санъатнинг асл моҳиятини тушунмаганикандир. Бундан ташқари янги яратилаётган ва замонавий эстрада намунаси деб талқин қилинаётган турли усуллар ҳамда товушлар йиғиндисини мусиқа, деб бўлмайди. Ростмана миллий санъат ўзининг чуқур фалсафий шеърлари, инсон қалбининг туб-тубига кириб бориб, дарди-фироқи билан уни ларзага келтирувчи гўзал оҳангидир. Шундай мазмун-моҳиятга бой мусиқий асарларимизни келажак авлодга тушунтириб бориш, мумтоз оҳанглар оғушида тарбиялаш устозлар зиммасидадир. Бунга, нафақат, мусиқашунос олимлар, санъаткорлар, бастакорлар, ёзувчилар ва шоирлар, балки кўп сонли ихлосмандлар ҳам бефарқ бўлмасликлари керак, албатта.

Ушбу китоб асл санъатимизнинг фидойилари бўлган устозлар ҳаёти ва ижодидаги ибратли воқеа-ҳодисалар, ижро дастурлари, овоз кўлами, овоз тури халқ ҳофизларининг маънавий дунёқарашини яқиндан билиш учун ҳавола этилмоқда. Яна шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, бўлажак санъаткор ёшларимизга устозларни танитиш, уларнинг қилган ишлари, басталаган асарларини ўргатиб, умид қиласмиш, келажак авлодга ҳам уларнинг ишлари ҳақида ҳикоя қилиб беришади деган мақсадда мазкур китобни баҳоли қудрат тақдим этдик.

ЭЛ АРДОҚЛАГАН САНЬАТКОРЛАР

*Ота Жалол
Носир ўғли
(1845–1928)*



Баъзан у зотни Бобо Жалол деб ҳам атаганлар. Ота ва Бобо нисбатлари Бухоро одатларига кўра, мушарраф номга қўшимча сифатида ишлатилади. Ўз даврининг ёзма хужжатларида Ота Жалол Носир ўғли ёки Ота Жалол Носиров деб юритилади. У Бухоронинг энг нуфузли мақом устозларидан бўлиб, Амир Музаффархон, Абдуллаҳадхон, Олимхон саройи қошидаги шашмақомчилар гурӯхига раҳбарлик қилган. Ёшлигидан *рикобий* (максус сарой созандаси) ва *ратифахӯр* (яъни, ҳукумат томонидан маош тўланадиган) созандалар қаторида бўлди.

Ота Жалол созандалар камдан-кам мұяссар бўладиган *Mир Охур* (яъни, Амир от ҳўжалигининг соҳиби) мартабасига эришди. Мазкур сабабларга кўра, унга саройдан ташқарида ҳофиз ёки созанда сифатида фаолият кўрсатиш қатъий ман қилинган. Ҳатто Бухоронинг энг эътиборли мулозимлари мажлис ёки зиёфатларида Амирнинг ижозатисиз созандалик қилишга ҳаққи бўлмаган. Ота Жалол машҳур танбурчи бўлиб, у мусиқа асбобини темир ноҳун билан эмас, балки тирноқларини максус ўстириб чаладиган созандалар қаторига кирган. Унинг унча катта бўлмаса ҳам, жуда гўзал ва ёқимли овози бўлган.

У овоз санъати ва унинг малакасига тегишли энг нозик томонларидан ҳабардор эди. «Шашмақом»нинг ҳам чолғу, ҳам ашула йўлларини жуда пухта ўзлаштирган билимдон сифатида катта обрў қозонган. Унинг ижро услуби ҳамда талқинида қарор толган «Шашмақом» андозаси ўз даврида энг мумтоз намуна сифатида эътироф этилган.

Ота Жалолнинг бастакорлик жиҳатларига тўхталиб ўтиш ҳам жоиздир, маълумки, Ироқ мақомида иккинчи гуруҳ шўйбалари учрамайди. Шуни тўлдириш мақсадида беназир устоз хонанда Ироқ мақоми пардаларига асосланиб. «Савти Жалолий» нағмасини яратган ва шу билан иккинчи гуруҳ шўйбаларини тўлдиришга эришган.

Амирлик барбод бўлганидан кейин Бухорода ташкил этилган «Шарқ мусиқа мактаби»нинг ижодий ва мураббийлик ишларида Ота Жалол бош-қош бўлиб турган. 1923 йилда таниқти рус тадқиқотчиси В.А. Успенский томонидан Бухоро «Шашмақом»ининг нотага олинишида устоз асосий таянч вазифасини бажарган. В.А. Успенский «Шашмақом» мушкилот, насрларини нотага кўчиришда Ота Фиёс Абдуғани, Абдураҳмон Танбурий (Умаров), Домла Ҳалим Ибодов, Маъруфжон Тошпўлатов каби қатор атоқли созандалар ижросига асосланган. Бироқ бутун жараёнга қўз-қулоқ бўлиб туриш Ота Жалол зиммасига юкланган. Ёзилган кўйларнинг нечоёлик тўлиқ ва мукаммал эканлиги тўғрисида айнан Ота Жалол раҳбарлигидаги ҳайъат ҳукм чиқарган. Шунга кўра. В.А. Успенский ёзувидаги матнлар Ота Жалол талқинидаги «Бухоро Шашмақом» дейилишига тўла асос бор.



V.A. Успенский, Ота Жалол, Ота Носир ва уларнинг шогирдлари.

Ота Жалол узоқ умри давомида ажойиб шогирдлар етиштириди. 1921 йилдан бошлаб, Бухорода очилган Шарқ мусиқа мактабида фаолият кўрсатиб. Леви Бобохонов, Боруҳ Зеркиев, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдураҳмон Умаров, Туробқул Қоровулбеги, Тоҳиржон Давлатзода, Мирзо Абдукарим Вобкандий, Маъруфжон Тошпўлатов, Нажмиддин Насриддинов ва бошқа истеъододли хонанда ҳамда созандаларга «Шашмақом»ни изчиллик билан ўргатди. Унинг устозлиги шу даражадаки, ўтмиш ва ҳозирги кун мақом ижрочилик мактаблари ўртасидаги қўприк вазифасини маълум жабҳаларда ўтаган. Чунки у ўз даврида мақомнинг ягона билимдони бўлган. Ундан кейинги шогирдлари ушбу «Шашмақом» мактабини ўрганиб, ҳозирги кунга қадар сақланиб қолишига сабабчи бўлишган.

*Хожи Абдулазиз
Абдурасулов
(1852–1936)*



Хоғиз ва созанда, мусиқа соҳасида ҳар томонлама истеъдол соҳиби, ўзининг мустақил услуби — «Хожи Абдулазиз мактаби»ни яратган буюк санъаткор. Хотирамиз илғайдиган даврдаги Самарқанд мумтоз мусиқа услубининг ижодий мероси, овоз ёзувлари орқали бизга маълум бўлган, кўзга кўринган таникли вакили.

Абдулазиз Самарқандда туғилган. Унинг ота-боболари қоратегинлик бўлиб, тўқимачилик билан шуғулланишган. Аммо оддий ҳунармандлигига қарамасдан, мусиқа ва шеъриятнинг жуда катта ихлосманди бўлишган. Шунинг учун ўғли Абдулазизнинг хат-саводини чиқариш учун мадрасаларда ўқитишишган. Унинг отаси эрта ўлиб кетади. Шу сабабли Абдулазиз ёшлигиданоқ хаттотлик қилиб, оиласа моддий ҳиссасини кўшади.

Абдулазиз болалагидан чолғу чалишга, ашула айтишга меҳр кўйди ва созсанъатининг турли соҳаларида ўзини синаб кўрди. У дутор чалиб, оммавий ашулашлар, достон номаларидан тортиб, мақом йўлларигача ҳамда доира жўрлигида диний мавзудаги хонақойи айтимлар ижро этишни ўзлаштириди. Йигирма беш диний ёшлигига келиб, Абдулазиз ҳофиз, созанда сифатида бутун Зарафшон воҳаси ва унинг атрофларида кенг танила бошланди.

Қанчалик ном чиқаришига қарамасдан, маҳорат ва билимларини мустаҳкамлаш мақсадида у машхур танбурчи Ҳожи Раҳимқул (Раҳимберди)га шогирд тушди. Устоз ёнида юриб, унга ҳамнафаслик қилган ҳолда мақом йўлларини ўзлаштиришга киришди. Бу йўлдаги билим ва кўниқмаларини янада мукаммалроқ даражада ўрганиш учун 1880 йилда Шаҳрисабзга келиб, Ота Жалолдан «Шашмақом» сабоқларини олди. У пайтларда Бухоро Амири Музффархоннинг ёзги дам оладиган қароргоҳи Шаҳрисабзда бўлган. Сарой созандаларининг бошлаган ҳамда «Шашмақом» борасидаги унинг интилишларини диққат билан баҳолаган ҳамда «Шашмақом» асосларини пухта ўзлаштиргач, Ота Жалолдан «оқ фотиҳа» олган.

Кекса созандаларнинг айтишларича, Ота Жалол Абдулазиз истеъодини юқори баҳолаган ҳамда «Шашмақом» борасидаги унинг интилишларини диққат билан

кузатиб борган. Гап шундаки, Ота Жалол ва Ҳожи Абдулазиз ёшлари деярли тенг, истеъод ҳамда салоҳияти бир-биридан кам бўлмаган. Лекин муқаддас устоз—шогирд муносабатларидаги икки буюк санъаткор сифатида умумий (Бухоро—Самарқанд) доирадаги икки йирик йўналиш вакиллари бўлишган.

Ота Жалол том маънодаги сарой созандаси эди. Тор мухлис ва шинавандалар доирасида ривожланиб келган бу услубнинг қонун-қоидалари жуда қатъий белгиланган. Ҳожи Абдулазиз эса саройдан ташқарида ҳамда анча эркин тарзда жорий этиладиган маъмулий (амалдаги, эркинроқ) оқимнинг буюк вакили. Бу — муштарак негиздан тарқалувчи ва мақом тараққиётининг ҳаётий эҳтиёжларидан келиб чиқувчи икки мустақил йўналиш эди. Ҳар бирининг қадриқиммати, нуфузи ўзига яраша бўлган.

Эътиборли томони шундаки, юқорида қайд этилганидек, сарой услубидаги мақомлар танбур жўрлигига ва таркибий қисмлари бир-бирига *пайванд қилиб* (улаб) ижро этиладиган туркум шаклида жорий қилинади. Шунга кўра, мақом туркумининг ҳар бир қисми барча қоидаларга тўла-тўқис риоя қилинган ҳолда ижро этилиши лозим. Бирон бир унсури нуқсонли бўлса, у сарой услубидаги мукаммал мақом бўла олмайди.

Маъмулий услуб эса мақом моҳиятига эркинроқ ёндашишга имкон беради. Уни сал кичикроқ овозга мослаб ҳам ижро этиш мумкин. Куй йўлларини, айниқса, жуда баланд авжларини ихчамроқ ҳолатга келтириб ҳамда овозни дутор пардаларига мослаб айтса ҳам бўлади. Эркин созанда сифатида эл орасида юрган Ҳожи Абдулазизнинг кўпроқ дуторга мурожаат этишининг боиси ҳам шунда.

Унинг овоз имкониятлари кенг бўлганлиги магнит тасмаларда ёзилган манбалардан тахминан билишимиз мумкин. У «лирик тенор» бўлиб, овозининг пастки регистри қуюқ, тўлиқдир. Баъзида драматик тенорни эслатади, аммо ўрта ва юқоридаги регистрларини таҳлил қиласиган бўлсак, овозидаги юмшоқлик, эгилувчанлик лирик тенор эканлигини билдиради. Бундай овоз тури миллий асаларимизни ростмана ижроси учун жуда мос келади.

Ҳожи Абдулазиз, гарчанд, Самарқанд мактабининг вакили бўлса ҳам, унинг санъати жуда кенг аҳамият касб этган. Ҳофизнинг Бухоро, Тошкент, Фарғона водийси ва Туркистонда ҳам мухлислари жуда кўп бўлган. Бундан ташқари ҳофиз жаҳонгашта санъаткор сифатида ҳам шуҳрат қозонган. У обрў-эътиборли устоз тарзida элнинг зиёлилари гуруҳига қўшилиб, икки маротаба (1887—1888 ва 1907—1908 йилларда) ҳаж сафарини бажарган. Унинг номига «ҳожи» нисбасининг қўшилиши ҳам ҳақиқий асосга эга. Бундан ташқари Ҳожи Абдулазиз олиму фузалоларга қўшилиб, Афғонистон, Эрон, Туркия, Араб мамлакатлари ва Ҳиндистонга саёҳат қиласиган. Бу сафарларида зукко санъаткор ўз мамлакатининг куй ва қўшиқларини намойиш этиш билан бирга ўзга юртларнинг мусиқий анъаналаридан баҳраманд бўлди, улардан илҳом олиб, услубини бойитди.

Устоз Ҳожи Абдулазиз эътиқоди кучли, мадраса таълимини олган, диний ва дунёвий илмларни пухта ўзлаштирган, адабиёт ва шеърият билимдони ҳамда эл-юрт орасида катта обрў қозонган санъаткор. Донишмандлиги ва ширинсұханлиги туфайли Бухоро амирлари уни ўз сұхбатларига чорлаб туришган. У Бухоро амирлиги ҳамда Кўқон хонлиги музофотидаги энг кўзга кўринган зодагонлар, руҳонийлар, илм-маърифат аҳли билан ҳам яқин алоқада бўлган.

Йирик давлат арбоблари Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат ва бошқалар Ҳожи Абдулазиз санъатидан, суҳбатидан баҳраманд бўлишган. Ўтган асрнинг 20—30-йилларида бутун Самарқанд аҳли уни доим энг азиз инсонлар қаторида ҳурмат қилишган. Санъаткорниң ўзи меҳмондўст, қалби тоза, ҳеч кимниңг кўнглига озор бермайдиган хушфеъл инсон бўлган. Бирор тўй-томуша ва яхши кунларни ўtkазиб беришни илтимос қиласа, унинг бой ёки камбағаллигига қара-масдан, доим ҳалол хизмат қилишга ҳаракат қиласа. Ҳожи Абдулазизнинг ўзига ахсос табиати ва саҳовагашалиги ҳалқ оғзига тушиб, бабзи ҳолларда, ҳатто афсоналарга айланиб кетган.

Ҳозиргача устоз ижросидаги ўнга яқин граммофон пластинкалари рўйхатга олинган: «Ирок», «Кўқон ушшоги», «Насруллоий», «Чапандози Наво», «Мустазод», «Чапандози Гулёр», «Бебоқча», «Бозургоний», «Дўст Худойим» (кейинги номи «Гулизорим»). Буюк санъаткордан қолган бу овоз ёзувлари классик мусиқа ижросининг юқсан намунаси ҳамда яқин тарихни ўрганишда бебаҳо ҳужжат бўлиб хизмат қиласа.



Ҳожи Абдулазиз Абдурасолов ва унинг тошкентлик шогирдлари ҳамда муҳислари.

Маълумки. Ҳожи ота умрининг чорак қисмини Тошкентда ўтказган ва бу ерда ўзининг кўплаб шогирдлари ҳамда шинавандаларига эга бўлган.



*Мулла Тўйчи
Тошмуҳамедов*
(1868–1943)



Тошкент маданий ҳаётининг ёрқин намоёндаларидан бири. Дастреб зикр анъаналярига хос диний айтим жанридаги етакчи яккахон (ҳофиз) сифатида танилган бўлса, кейинчалик Тошкент услубидаги мумтоз мусиқали асарлар дастурини бойитган ижрочи, ҳофиз сифатида фаолият кўрсатди.

Унинг икки исми хусусиятлидир: шахсий исми Тўйчи ва нисбаси Мулла. Тўйчи (сўзма-сўз таржимада «тўй-никоҳ хабарчиси» дегани) дейишларининг асосий сабаби шундаки, у ўз тоғаси уйидаги тўй кечасида туғилгандигидир. Мулла — бу унинг нисбаси бўлиб, диний, илмий билимларга эга инсонга берилган.

У Муқимий ва Фурқат билан дўст бўлган. Ўз даврининг йирик ашулачи ва созандалари билан дўстона муносабатда эди. Айниқса, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовнинг хонандалик қилишида ва умуман, ашулачи сифатида танилишига Устоз Мадумар — Кўқондан, Содирхон Ҳофиз — Хўжанддан, Ҳожи Абдулазиз — Самарқанддан, Мадраҳим Шерозий — Хоразмдан ва бошқалар сабабчи бўлишган.

Маълумки, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов умрининг охирги йиллари Тошкентда ўтган. Шу даврлари Тўйчи бува уларни ёнида олиб юриб, тўю зиёфатларда дутор чалдириб, ўзи чарчаган пайтлари ашула айтишга рухсат берган. Эл орасидаги обрў-эътибори, мавқе-мартабаси туфайли унга Бухоро амирлари — Абдуллахон ва Олимхонлар саройига киришга рухсат берилган эди.

Мулла Тўйчи бой савдогар сифатида Ўрта Осиёда граммофон тарқатарди. Унинг ширкати Тошкент—Фарғона водийси ва бошқа вилоятлардаги шахсий дўконларда граммофон, пластинкалар сотиши билан шугуулланган. Унда граммофон ташвиқотлари билан бирга. Мулла Тўйчининг шахсий ашулаларидан иборат пластинкалар ҳам сотилган. Бу ёзувлар орасида унинг дастуридан ўрин олган Тошкент мумтоз мусиқасига хос: «Ушшоқ», «Баёт», «Гиря», «Гулёри — Шаҳноз», «Таронайи Дугоҳ», «Кўча боғи», «Ул кун жонон» каби асарлар бор эди.

Бу нодир ёзувларни эшитиб, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовнинг овоз турини аниқлайдиган бўлсан. Унинг овози таҳминан «драматик баритон», чунки овозининг барча регистрларида тўлиқ ва қуюқ сифатлари сезилади. Бу ёзувлардаги овоз кўлами катта октава си пардасидан бошлаб, биринчи октава соль пардаларигача борган. Демак, бундай овоз кўламига асосан, бас баритон ёки драматик баритонлар эга, шу боис унинг овоз тусига қараб, драматик баритон дейиш мумкин.

*Леви
Бобохонов
(1873–1926)*



Бухоронинг энг буюк ҳофизларидан бири. Отаси Бобохон Ошма, асосан, бўёқчилик билан шугулланган. Шу билан бир қаторда маҳалла-куйда дастёрлик вожидан рўзгор тебраттан. Тўй-томушаларда ходимчилик қилиб, кўнгилочар термаларни айтиб юришга ҳам тўғри келган. Отаси ёнида унга ёрдам бериб юрган Леви ўшлигидан Бухоронинг тўй муҳити, унинг шодлик куй ва қўшиқларини яхши ўзлаштириб олли. Баъзан эса ўзи ҳам доира чалиб, «бухорча» тонфасидаги ашуласарни қўшилиб айтадиган бўлди.

Леви меҳнат фаолиятини жуда ёш бошлади. Болалигидан отасининг ёнида юриб, ашулачилик қилиди. Бухоро ва унинг атрофидаги тўй-маъракаларда қатнашиб, ҳаётий ва ўз иштиёқи бўйича тажриба орттириди. Ана шундай сафарлардан бирида, Чоржўй шаҳридаги тўй хизматида унга шаҳар ҳокимининг назари тушиб қолади. Кейинчалик ҳоким тавсияси билан у Ҳожихон исемли ҳофизга шогирд бўлиб тайинланади.

Деярли бир йилча Чоржўйда тургандан сўнг Левича Бухорога қайтади. Тез орада ёш ҳофизнинг довруғи Амир Абдуллахон қулогига етиб борали ва уни саройга даъват этиб. Ота Жалол тарбиясига топширади. Қисқа муддат ичida «Шашмақом» асосларини ўзлаштиришда ҳофиз катта муваффақиятларни кўлга киритди. Натижада, у нафақат, *рикобий* сарой ҳофизи, балки *ратифахӯр* (махсус маош белгиланган) санъаткор сифатида эътироф этилди. Ратифахӯрлик мартабаси одатга кўра, махсус сарой ходими — *удайчи* томонидан расман эълон қилинган.

Кекса санъаткорларнинг ҳикоя қилишларича, Амир Абдуллахон чорсанба кунлари ўз яқинлари даврасида Левича ижросида «Шашмақом» эшитар экан. Соз пайтида ҳофиз парда ортида ўтириб, ижро этишга мажбур бўлган. Ҳукмдорлар олдидা ҳофиз ва созандаларни пардага бекитиш жуда қадимий одат ҳисобланади. Бу анъана, ҳатто подшо Хусрав Парвиз ва созанда Борбад замонларида ҳам маълум бўлган.

Левича санъатини Амир Олимхон ҳам хуш кўрган. Олимхон ўшлигига махсус мусиқий тарбия кўрган ҳамда дутор, танбур чалишни ёқтирган. Шинавандалар даврасида «Шашмақом» тинглаш унинг энг яхши кўрган машғулотларидан бири бўлган. Ҳофиз Левичани эса Амир доим ўз ёнида отиб юрган. Олимхоннинг Левичага муносабати шу қадар яқин бўлганки, унга амир билан бирга палов пишириш ва ҳамсуҳбат бўлишга ижозат этилган.

Риганинг «Пищущий Амур» (овоз тарқатувчи «Мұхаббат парилари») фирмаси Левичанинг ижроларини граммофон пластинкаларига тушириш учун ижозат сүраб, Амирға мурожаат қылган. Халқ орасида тарқалған гап-сұзларга қараганда, сарой ҳофизининг овозини пластинкаларға ёзиб, кенг оммага тарқатилишига Амир унча рози бўлмаган. Бунинг асосий сабаби, шеърий матнларда илоҳий маъноларга алоқадор сұзлар битилган, куй ва оҳангларда муқаддас туйғулар изҳор этилган, умуман олганда, хос мўтабар «Шашмақом» санъатини оёқ ости қымаслик ниятлари бўлган. Узоқ музокаралар олиб борилгандан сўнг, Бухородан ташқарида, янги шаҳар (ҳозирги Когон)даги чор амалдорлари қароргоҳида мусиқий ёзув ишларини амалга оширишга келишиб олинган.

1909 йил август ойида Левича танбур, укаси Йов доира чалиб айтган «Шашмақом йўллари» граммофонга ёзиб олинган. Бу ижродаги асарларнинг тўлиқ ва илмий-танқидий рўйхати ҳалигача тузилган эмас. Ҳозиргача маълум пластинкалар қуидагилар:

- | | |
|-------------------------------|--------------------------|
| 1. «Қашқарчай Сарвиноз» | 8. «Сарвиноз» |
| 2. «Турки Қашқарчай Сарвиноз» | 9. «Талқини Ушшоқ» |
| 3. «Талқини Уззол» | 10. «Насри Ушшоқ» |
| 4. «Мўгулчай Сегоҳ» | 11. «Наврӯзи Сабо» |
| 5. «Талқини Мўгулчай Сегоҳ» | 12. «Талқини Сабо» |
| 6. «Уфари Мўгулчай Сегоҳ» | 13. «Уфори Талқини Сабо» |
| 7. «Мўгулчай Бузрук» | |

Левичанинг овоз кўлами (диапазони) жуда ноёб бўлган. У танбурнинг энг паст пардаси (кatta октава *sоль*)дан то хас (чўп) пардаларнинг охири, харракнинг тагидан чиқадиган товушлар (иккинчи октава *ре*) миқёсида ашула айтган. Демак, унинг овози «лирик-драматик тенор»дир. Бундай дейишимизга сабаб, унда лирик ва драматик тусларнинг жамланганлигини кўрамиз. Овоздаги қуюқлик ва салобатлийлик билан бирга эгилувчанлик ҳамда юмшоқлик хислатлари сезилади.

Ҳофизлар, одатда, айтиб юрган ғазалларини тартиблаштириш мақсадида уларни дафтарларга ёзиб, ёнларида олиб юришган. Бундай ён дафтарчалар «дастак» дейилган. Ҳофиз хатга қараб, шеърнинг дастлабки мисраларига нигоҳи тушиши биланоқ, қолган байтлари ёддан қўйилиб келаверади. Ана шундай истельмолда бўлган учта дастак ҳофиздан авлодларига мерос қолган.

Левича ижодининг яна бир муҳим қирраси катта-кичик давраларда тингловчи ким бўлишидан қатъий назар, бутун вужуди билан берилиб, бор кучини сафарбар қилиб, ашула айтиш бўлган. Кўпинча у даврага чиққанда бир-икки ашуладан кейин ўзлигини йўқотиб, аллақандай руҳий ҳолатга тушиб олар экан. Илҳоми келгандаганда гўзал авжлар, ғазалронийлар битиб, шинавандаларни ошуфтаҳол этиб, ўзлигини тарқ эттириб важд (экстаз) ҳолатига туширган. «Авжи Турк», «Зебо Пари», «Мухайяр» авжларини шундай юқори пардаларда айтар эканки, муҳлислар у ҳақда узоқ гапириб, завқланиб юришган. Хуроса қилиб айтадиган бўлсак, Левичанинг жўшқин ижоди асл «Шашмақом», яъни хослар даврасида, сарой муҳитида жорий этиладиган мақом тарихида ўзига яраша ёрқин саҳифага айланган.

*Домла Ҳалим
Ибодов
(1878–1954)*



Расмий хужжатларда Домла Ҳалим Ибодов деб юритилади. Айтишларича, домла дейиш, у кишининг касби-коридан кўра, кўпроқ лақабига алоқадор. Гап шундаки, ҳофиз ҳақиқатан ҳам жуда чиройли, кўринимли, оппоқ юзли одам бўлган. Шу сабабдан Бухорода уни оқ юзли Ҳалим (нуроний маъносида) деганлар. Унинг чиройли, гўзал овози бўлганлиги боис сарой ҳофизлигига жалб қилишмоқчи бўлишганда, қариндошлари бир амаллаб мударрисликка ишга жойлаб қўйишади.

Бухоро қонун-қондадарига кўра, мадраса аҳди саройга ишга елланишдан озод этилган. Уларнинг оталари олачабоф (бўзчи)лик қилишган. Ёш Ҳалимжон ҳам ота касбини эгаллаган. Уларнинг Шарофхон исемли кўшниси сарой ҳофизи бўлиб. Ҳалимжонни ашулачиликка даъват этган ва айни чоғда сарой хизматидан эҳтиёт қилган. «Шашмақом»нинг дастлабки сабоқларини ҳам Домла Ҳалим Шарофхон ҳофиздан ўргангандан унинг ёнида юриб, машхур ҳофизларни эшитиб. «Шашмақом» санъати борасидаги билим ва кўникмазларини оширган. У мақомларни донра билан ижро этган.

Кейинчалик амирлик тұгатилғаныдан сүнг, бевосита Ота Жалолға шогирада тушиб, «Шашмақом» илмини мұкаммал үзлаштиришга мұяссар бўлган. 1921 йилда Бухорода А. Фитрат раҳнамолигида «Шарқ мусиқа мактаби» ташкил қилингач, нуфузли санъаткорлар қаторида Домла Ҳалим ҳам ўқитувчиликка жалб этилган. В.А. Успенский «Бухоро Шашмақоми»ни нотага олиш пайтида Домла Ҳалим энг күчта тұлған устоз бўлғандыги сабабли ашуда йўллари айнан шу ҳофиз талқинидати вариантда қоғозга туширилган.

1928 йили Самарқандда мусиқа ва рақс институти очилиши муносабати билан Домла Ҳалим шу даргоҳга «Бухоро Шашмақоми»дан сабоқ берувчи ўқитувчи сифатида таклиф этилади. Ўзбекистон пойтахти Самарқанддан Тошкентга кўчирилиши муносабати билан 1932 йили институт ҳам шу ерга ўтказилган. Шу орада устознинг ўзлари ҳам республика радиосига ишга тақлиф этилади.

Домла Ҳалим овозининг бонги (қўнғироғи) юқори, ўрта ва паст пардаларда баробарига равон янграши, ижрочилик нафасининг ноёблиги ҳанузгача овоз шунослик илмининг диққат марказида туради. Улардаги товуш резонаторлар фаолияти ўта ривожланганлиги, бу мезон овоз ҳосил қилишдаги усталик, маҳоратлиликини билдиради. Овоз тесситтурасига эътибор берадиган бўлсак, «лирик тенор» дейиш мумкин. Чунки овозидаги енгиллик ва шунга қарамай, жарангдорлик хусусиятлари айнан шу овоз турига мансуб эканлигини кўрсатади.



*Абдуқодир Исмоилов, Домла Ҳалим Ибодов, М. Миронов, М. Харратов
ва етук созандо-хонандојар.*

1932 йилда Домла Ҳалим Тошкентга кўчиб келиб, Ўзбекистон радиосида ўз фаолиятини давом эттиради. Радио концертларида ўз ҳамнафаси Ҳожи Абдураҳмон Умаров билан бирга ва ҳалқ чолғу асбоблари ансамблари жўрлигига мақом шўъбаларидан намуналар ижро этар эди.

Таниқли мусиқашунос олим Елена Романовскаяяниң ёрдами билан «Шашмақом»нинг Бузрук мақомидан: «Насруллоий», «Савти сарвиноз», «Рост» мақоми таркибиға кирувчи «Наврӯзи Сабо» (таркибий қисмлари билан), «Дугоҳ» мақомидан «Мұтұлчан Дугоҳ», «Бухоро тўлқини» каби шўъбаларни пластинкага ёздиради.

Е. Романовская Домла Ҳалимнинг иқтидорига, овозига қойил қолиб, шундай деган экан: «Домла Ҳалим овози жуда гўзал ва тиникдир. У ашулаларни эркин, равон ижро этиши билан бирга кенг нафасга ҳам эга, бир нафасда тўлиқ бир ҳатни ва ҳатто икки ҳатни ҳам куйлаши мумкин. Бундан ташқари ўзига хос овоз ишлатиш усталиги ҳам бор, ўта мураккаб мусиқий ижроларда хеч қандай қийинчилексиз равон куйлайверади. Авжларида ҳам ҳеч қандай кучаниш, чираниш аломатлари йўқ».

**Жўрахон
Султонов
(1903–1965)**



Жўрахон Султонов 1903 йили Марғилон шаҳрида таваллуд топган. Унинг оила аъзолари жуда ўқимишли, зиёли, санъатни ҳар томонлама идрокладидиган шинаванда бўлишган. Шу боис уларнинг хонадонига Фарғона водийсинг турли жойларидан етук санъаткорлар, сўз усталари ва шоирлар келиб туришган. Шундай маданий муҳитда ўсиб катта бўлаётган Жўрахон эса кунтуришган. Шундай маданий муҳитда ўсиб катта бўлаётган Жўрахон эса кунтуришган. Шундай маданий муҳитда ўсиб катта бўлаётган Жўрахон эса кунтуришган. Шундай маданий муҳитда ўсиб катта бўлаётган Жўрахон эса кунтуришган.

Кунларнинг бирида уларнинг уйига Юсуфжон қизиқ Шакаржонов келганди, мөҳмонларга жон дили билан хизмат қилаётган Жўрахонга назари тушиб, ашула айтиб беришини сўради. Ёш Жўрахон илк маротаба ашула айтишига қарамай, барча мөҳмонлар ва ҳатто, оила аъзолари ҳам ҳайрон қолишган. Шундан кейин Жўрахонни Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, гарчи, ўзи хонанда бўлмасада, ёнида олиб юриб, билганича ашулаларни таҳдил қилишни, ҳалқ олдига чиққандаги саҳна одобини ўргатган. Жўрахонни Мулла Эшмат, Ҳамроқул қори, Эрка қори, Содирхон ҳофиз, Мадумар ҳофиз, Маматбува Сатторов ва бошқалар етук ҳофизлар билан таништириб, уларнинг сабоқларидан баҳраманд эттиради.

1920 йилнинг бошларида Жўрахон Султонов мустақил ижодкор сифатида танилди. Унинг ижоди бошланган даврда шўро тафаккуридаги тоталитар тузуми авж олган ва бу вақтда у кекса санъаткорлар дастуридаги асарларни ўрганиб улгурган эди. Ҳофиз, асоссан, ўзига хос ашула айтиш услуги билан танилган. Унинг овозидаги жозибали бўғиқ садо созандалар тилида «хаста овоз» ёки «хаста ширип» дейилган.

Жўрахон Султоновнинг овози жуда кенг кўламга эгадир. Унинг овоз ёзувларидан шуни англаш мумкинки, юқори пардаларининг давомийлиги сезилади. Пастки пардаларда ҳам тўлиқлик ва юмшоқлик мавжуд. Шубҳасиз, унинг овози лирик тенор бўлиб, бундай овоз тусини бошқа овозлардан ажратиб олиш

қийин эмас. У ўзининг жозибали танбур ижросида ашула бўлимлари ораларидага маҳоратли машқлар чалган.

Устоз ҳамнафас услубидаги йўналишда чиройли куйлаган. 1934 йилдан бошлиб, у Маъмуржон Узоқов билан шу услубда ижод этди. Айнан Жўрахон Султонов нодир овоз соҳиби Маъмуржон Узоқовни катта санъат йўлига даъват этган устоз бўлди. Бизгача етиб келган магнит тасмаларидаги ёзувлар ҳамнафас услубидаги ашулаларнинг моҳир ижрочиларидан далолат беради. Шунингдек, Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифхон Хотамов бастакорлик ва хонандаликда Жўрахон Султоновни илк устози деб билади ва у билан бир қанча вақт ҳамнафасликда ижод қилган.

Жўрахон Султонов, асосан, Фарғонага хос бўлган катта ашуланинг етук намоёндаси эди. Ундан ташқари, кўп вақт мобайнида ижро қилинмай келинган қадимий ашулаларни қайта тиклаш, шеърлари диний мавзуда бўлган оҳангларга мумтоз шоирлар газалларини қўйиб, куїлаб, муомалага киритган.

Маълумки, Жўрахон Султонов Хоразмда кўп маротаба бўлиб, концерт дастури билан қатнашган. У ерда Ҳожихон ва унинг укаси Нурмуҳаммад Болтаевлар билан ҳамкасб, қалин дўст бўлишган. Улар бир-бирларидан кўплаб ашулалар ўрганишган. Жумладан, «Хоразм Суворийлари», «Феруз туркуми», «Хоразм мақомлари»нинг айrim шўйбаларини Жўрахон Султоновга Ҳожихон Болтаев ўргатса, «Фарғона—Тошкент Сегоҳи», «Чоргоҳ», «Ушшоқ туркумлари»ни Ҳожихон Болтаевга Жўрахон Султонов ўргатган. Бу икки хонанда икки воҳанинг буюк устунларидир. Иккаласи ҳам янгиликка, яъни ўлкаларида эшитилмаган оҳангларга ўч бўлишган.

Гарчи, иккаласи ҳам ўша даврнинг етук хонандалари бўлишса-да, ўрганишнинг эртаси ёки кечи бўлмаслитини англаб етишган. Гап шундаки, улар бир-бирини жуда эъзозлаб, хурматини жойига қўйиб, ҳамкасб сифатида мала-ка алмашишган. Бу ҳамкорлик улардан кейинги ижодкорларга икки буюк санъатнинг омухталашуви ва бир-биридан фарқини ажратса олишлиги учун йўл очилди.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Жўрахон Султонов назм ва шеърият билимдони ҳамдир. Ўзбек радиоси фондида ва айrim мухлислар қўлида Фарғона мақом йўллари, катта ашуланинг Жўрахон Султонов ижод этган антиқа намуналари сақланмоқда.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифхон Хотамовнинг таъкидлашича, бутун Марказий Осиёни ўз овози ва санъати билан забт этган хонанда Жўрахон Султонов 1965 йили Марғилонда қанд касаллиги туфайли оламдан ўтган.

*Ҳожихон
Болтаев
(1902–1987)*



Хоразм вилоятининг қадимий истеҳкомларидан бири Хонқа шахри ёнидаги Қорчимон қишлоғида косиб оиласида дунёга келган. Ёшлигидан отасидан этикдўзлик хунарини ўрганиш билан биргалиқда мусиқа ва шеъриятга чин кўнгилдан ихлос қўйди. Ёш Ҳожихон XX аср бошларида жуда катта эътибор топган дин пешволаридан бири Машарипжон (Муҳаммад Шариф) Пир назарига тушиб қолади. Навқирон йигитнинг истеъдолидан чуқур таъсирланган Пир санъат йўлида ҳалол хизмат қилиш учун унга «оқ фотиҳа» беради. Бу ўз фарзандини ҳофиз бўлишини унча хуш кўрмай юрган Ҳожихоннинг отаси Болта этикдўз учун ҳам ҳал қилувчи воқеа бўлди.

Кейинчалик ҳаёт тажрибасининг ўзи Ҳожихонга устозлик қилди. Яъни ҳар бир санъаткор билан бўлган мулоқот унга ҳофизлик ва созандалик илмининг янги қирраларини очиб бораверди. 1930 йилда ҳали ҳаёт бўлган ҳамда сарой мақомчиларини кўрган атоқли созандалар: танбурчи Матёқуб Харрот, було-мончи Худойберган Курбон ўғли, фижжакчи Отажон Абдулло ўғли (Отажон Девон), айниқса, танбурчи Рассоқберган Омонов, гўянда Полли Дўзчи, дуторчи ва гўянда Курбониёз Авазматов (Куржи Ота), доирачи Матёқуб Отажонов ва бошқа устозлар санъатидан баҳраманд бўлишган. Аммо унинг фотиҳа берган устози гурланлик Бобоҷон бола бўлади.

Ҳожихон санъат йўлига дастлабки жиддий қадам қўйганидан эътиборан мақом ва сувора йўлларини айтиш, илоҳий ишқ йўлида куйлаш ҳаёт мазмунига айланади. Бу йўлда санъаткор камолот чўққисига эришиб, ўзбек мумтоз мусиқасининг XX асрдаги энг кўзга кўринган устозларидан бири бўлиб етишди. Ҳожихон эл-юрт орасида шу қадар буюк обрўга эришдик, уни муқаддас зотлар қаторида кўра бошладилар. Яқин одамлари, дўсту-ёрлари уни, гарчанд, эшонлар авлодига алоқаси бўлмаса ҳам «Ҳожихон эшон» деб эъзозлашарди.

Актёр, ашулачи ёки созанда сифатида тўғридан-тўғри саҳна санъатига дахлдор бўлмаса-да, Ҳожихон бутун умри давомида Хоразм вилоят мусиқали драма театрида хизмат қилди. У фақат концертларда ашулачи сифатида иштирок этди.

Ҳожихон кўпроқ хонаки базмларда соз ва сўз қадрига етадиган мухлислар доирасида мириқиб ашула айтиб, ўзи ҳамроҳатланиб, тингловчиларга ҳам ҳузур бахш этган. Ҳожихоннинг ўзитини тарқ этиши, мақом ва сувора йўлларини илоҳий ҳолатларда атиши тўғрисидаги гулғула ҳалқ оғзига тушиб, ҳангома ва ривоятларга айланади.

1944 йили Хоразм вилоят театри қошида мақомчилар ансамблиниң тузилиши ва унга Матпано Ота Худойбергановнинг раҳбар этиб тайинланиши Ҳожихон ҳаётида бурилиш ясаган тарихий воқеа бўлди. Хоразм мақомчилик мактабининг буюк намоёндаларини кўрган, эшитган Матпано Ота билан мулоқотда бўлиш навқирон санъаткор Ҳожихон учун ўзига хос ижод мактаби вазифасини ўтади. Гарчанд, Матпано Отага созандалик асосий қасбу-кор бўлмаса ҳам, санъатга ташналиги ва ишқибозлиги туфайли у мақомнинг ички мантиқини, куй ва усувларнинг узвий боғланишини яхшигина ҳис қила олар эди. Ҳожихоннинг билим ва тажрибасида етишмай турган нарса ҳам айнан шу бўлган.

Матпано Отадан олган сабоқларидан кейин Ҳожихон «Хоразм олти ярим мақоми»ни бир бутун тизим сифатида идроклайдиган устоз даражасига эришди. Ўз ортидан шогирдлар эргаштириб, уларга ибрат кўрсата бошлади. Аҳти созандада орасида етук устоз ўрнида ҳурмат ва эътибор қозонди.

Ҳожихон Болтаев қўшиқ бошлашдан олдин овоз машқларини узоқ бажариб бўлгач, ана ундан кейин ашула ижросига ўтган. Унинг овоз имкониятлари жуда кенг бўлиб, пастки ва юқори пардалари бирдек тўлиқ бўлган. Баъзи овозлар борки, пастки товушлари юмшоқ бўлиб, юқори пардалари ўткир, шанги бўлиши мумкин. Ҳожихон устознинг овози эса бундан мустаснодир. Ҳожихон Болтаев овозининг пастки ва юқори регистрлари тўлиқлиги ҳамда шу руҳият ижро пайтида ҳам яққол сезилиб туради. Европа овоз ўлчамларида унинг овози «драматик тенор»дир.

Маълумки, олдинлари суворийхонлик санъатида якка дутор сози жўрнавозлик қилган. Ҳожихон Болтаев эса бу борада тор ва доира созларини қўшиб ижро қила бошлаган. Бу жўрнавозлик бобида катта янгилик бўлиб, Хоразмнинг мусиқа анъанасида айтанди.

Ҳожихон шеърият билимдони сифатида ҳам донг таратган. Ўзининг ижро дастури доирасида ғазал биладиган бошқа хонандалардан фарқли ўлароқ, чинакам шеърият устаси сифатида гавдаланади. У юзлаб ғазалларни хотирасида сақлаб, кетма-кет бир неча кун бир айтганини ҳеч такрорламасдан ғазал айтишда мухлисларни доим ҳайратга солиб юрган.

Ҳожихон юнм эркин ижод ҳолатида бўлган. Унинг ижросидаги ҳар бир асар янги ижод илҳоми билан сугорилган. Бетакрор ижодкор юксак санъатининг маъно-мазмуни ҳам шунда.

Ҳожихон Болтаев 1987 йили хасталиги туфайли оламдан ўтди. Ҳали ҳанузгacha унинг афсонавий хонанда эканлиги ҳақида кўплаб китоблар, рисолалар, мақолалар, монографиялар ва очерклар ёзилмоқда. Бу инсоннинг ҳислатлари шу даражада бисёр эдик, бу ҳақда қанча тадқиқодтар, изланишлар олиб борилса ҳам кам.

*Маъмуржон
Узоқов
(1904–1963)*



Маъмуржон Узоқов 1904 йилда Марғилон шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топди. Ёшлигидан халқ қўшиқларига меҳр кўйган хонанда Маматкул ҳофиз, Болтабой Ражабов, Ҳамроқул қори каби ҳофизлар таъсирида куйлашни бошлиган. Ҳасан қоридан дутор чалиш сирларини, Жўрахон Султоновдан катта ашулавинг мураккаб йўлларини ўргангандан. 1925 йилдан Худойберган ҳофиз Мақсимов, 1926—1932 йилларда Ҳасан қори, 1933—1962 йилларда Жўрахон Султоновлар билан ҳамнафасликда куйлаган. Айниқса, унинг етук хонанда бўлиб, шаклланишида устози Ўзбекистон халқ ҳофизи Жўрахон Султоновнинг ҳиссаси жуда катта.

Маъмуржон Узоқовнинг ижро маҳорати, ширадор, жарангдор овози ва умуман, санъатига қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Уни ёнида ҳар хил овоз кучайтиргичларсиз эшитган устоз санъаткорлар «Маъмуржон Узоқовнинг овози етти маҳаллага эшитилган, жуда баланд овоз эди», дейишади. Гарчи, биз бундай баҳтга мушарраф бўлмасак-да, магнит ёзувларидан шуни англаш мумкинки. Европа овоз ўлчамларида «лирик тенор» деб номланади, яъни овознинг руҳияти енгил, жозибадор, эгилувчан (лирик) бўлиб, кўлам жиҳатидан кентdir. Овоззининг пастки ва ўрта регистрлари тўлиқ, юқори регистри эса юмшоқ эшитилишли, нисбатан нозик ва жарангдордир.

Дастлаб тўй ва халқ сайиллари ҳамда чойхоналарда хизмат қилган. 1937—1939 йилларда Тошкентдаги Муқимий номли мусиқали драма ва комедия театрида ишлаган. «Тоҳир ва Зухра» драмасида Жарчи, Парпи ҳофиз каби турли образлар яратган. 1939—1950 йиллари Ўзбекистон радиосида, 1950—1952 йиллари Ўзбек давлат филармониясида яккахон хонанда сифатида ижод қилган. Баланд, ширадор ва ўта таъсирили овоз соҳиби бўлган.

Маъмуржон Узоқовнинг ижро дастуридан халқ қўшиқлари ва патнисаки ашуалалар ўрин олган эди. «Ул кун жонон», «Келдим», «Жонон келур», «Кўзларинг», «Пайдо этиб кет», «Қалам қошинг», «Айладинг», «Ёлғиз» каби асар-

лар шулар жумласидандир. У бастакор Мұхаммаджон Мирзаев билан жуда са-марали ижод қилиб, «Якка бу Фарғонада», «Суръатинг», «Догман», «Ёр ис-таб», «Баҳор», «Қачон бўлгай ким», «Бир келиб кетсин» каби ашулалари боис шинавандалар қалбидан чуқур жой олган. Шунингдек, мумтоз асарлардан «Фе-руз», «Баёт», «Мустаҳзод» ва бошқа ашулаларни йиллар давомда маромига ет-казиб қўйлаган.

Устоз санъаткор Фарғона хонандалик мактаби анъаналарини муносиб давом эттириб, унинг ривожига бекиёс ҳисса қўшган ҳамда ўзбек мусиқа мадани-тида чуқур из қолдирган ҳофизлардан ҳисобланарди. Бугунги қунда унинг иж-росидаги мусиқали ёзувлар Ўзбекистон радиосининг олтин хазинасида, бир қанча пластинка ва замонавий дискларга муҳрланган бўлиб, ёш хонандалар устоз услугига таянишларида сарчашма бўлиб хизмат қилмоқда. Маъмуржон Узоқов йўлини Ўлмас Сайджонов, Дилнура Қодиржоновага ўхшаган қўпчилик санъаткорлар давом эттиришган.

Маъмуржон Узоқов 1963 йилда Марғилонда ўз шинавандалари учун хониш қилаётган пайтида юрак хасталиги туфайли оламдан ўтган.

Маъмуржон Узоқовнинг якка ўзлари ижро этган асарлари жуда кўп, аммо Ўзбекистон радиосининг олтин хазинасида сақланаётган асарлар рўйхатини тақдим этмоқчимиз:

- | | |
|---------------------------|--------------------------|
| 1. «Айрилмасин» | 15. «Фифонким» |
| 2. «Ёр истаб» | 16. «Ўлмасун» |
| 3. «Бебоқча» | 17. «Келдим» |
| 4. «Мустаҳзод» | 18. «Парво этиб кет» |
| 5. «Баёт» | 19. «Суратинг» |
| 6. «Туриб ҳар эрта» | 20. «Шайдо бўлибман» |
| 7. «Бир келиб кетсин» | 21. «Эй дилбари жаноним» |
| 8. «Жонон бўламан деб» | 22. «Бухоро тўлқини» |
| 9. «Бир тараҳум айламас» | 23. «Согиниб» |
| 10. «Кўзим шаҳлога тушди» | 24. «Содирхон Ушшоғи» |
| 11. «Догман» | 25. «Келсун» |
| 12. «Кўзларинг» | 26. «Зор этдинг» |
| 13. «Феруз» | 27. «Ёлғиз» |
| 14. «Насиҳат» | 28. «Чаман ялла» |

**Комилжон
Отаниёзов
(1917–1975)**



Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов 1917 йили Хоразмнинг Шовот туманида таваллуд топди.

Ёшлигидан соз ва сұхбат йиғинлари ичидә ўсади. У түққиз ёшга кирганида, отаси вафот этиб, акаси Фозилжоннинг тарбиясига олинади. Акасининг таъсири остида санъатта меҳр эрта уйғонди. Дастреб мусиқа тұғараллари, кейинчалик халқ театrlарыда устозлари Маткарим Абдураҳмонов, Мадраҳим Шерозий, Бола бахши ва бошқалардан санъат сирларини қунт билан ўрганади. Унинг илк яраттан құшиқлари Иккінчи Жаҳон уруши даврига тұғри келади. Ўша пайтда «Отлан», «Хуш қол энди», «Гитлерга ўлим», «Оғанғ келар мард бўлиб» ва бошқа асарларни яратиб, ижро қилган.

Урушдан кейинги тинч курилиш йилларыда Чоржў — Кўнғирот темир йўли, Тошсоқа тўғони қурилиши қаби бошқа меҳнат жабхаларидаги қурувчи ва меҳнаткашларни ўзининг дилтортар куй-құшиқлари билан руҳлантириб турди.

Билимини бойитиш учун 1951 йили Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига ўқишига киради ва уни тугатиб, Ҳиндистондаги Ўзбекистон кунлари сафарига йўл олади. У ерда ўз шеъри «Салом ҳинд халқига», Ҳофиз Шерозий газали «Хоразм Чоргоҳи» қаби ижролари катта олқишига сазовор бўлади.

У Матпано Худойберганов—Суханвар устозлигига Хоразм мақомлари «Рост», «Бузрук», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ»нинг айтим йўлларидан айримларини магнит тасмаларига туширган.

Комилжон Отаниёзов овози жозибали, ҳаракатчан, жарангдор, лирик тенор бўлиб, шижаатли ижро йўли ва ўзига хос ижод мактабини яратган. У ўз ижодий фаолияти давомида 200 га яқин ашуалар ижод қилган ва шулардан 100 дан ортигини радио фондига ёздирган. Булар ичидә достон йўллари асосида яратилган «Ёра тегмасин», «Айрилма», «Мухаммаси бахши II», «На тилар мандан», «Душимда бир булбул кўрдим», «Раъонни тўрдим», «Хуш энди», «Хуш келибсиз, сабо билан», шунингдек, «VI – Сувора», «Салом сизга Хоразмдан» ва бошқалар шулар жумласидандир. Саҳна асарларидан «Азиз ва Санам», «Ошиқ Ғариф» спектаклларига мусиқа басталаган.

Комилжон Отаниёзовни халқ орасида на фақат беназир ҳофиз, серқирия ижодкор балки кўп болали, ночор ва кам таъминланган оиласаларга ҳиммат қўлини чўзувчи, саховатпеша, ҳожатбарор, ҳотамтой инсон сифатида яхши танилган. Маълумки, уруш йиллари барча устозлар ҳолидан ҳабар олиб, бирор нарсага муҳтоjлик сезилса, дарров мұхайё этар экан. Бундан ташқари урушдан олдин тузилган Хоразм мақомчилар ансамбли фаолияти уруш йиллари ҳам тўхтамади. Буларнинг барчаси устоз Комилжон Отаниёзовнинг қўллаб-куватлаши, қанча маблағ топса, санъатнинг ривожи, унтуилаёзган асарларни қайта тикланиши йўлида сарфлаш унга одат бўлиб қолганди.

Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқ артисти. Хоразм булбули Комилжон Отаниёзов мактабидан Бобомурод Ҳамдамов, Отажон Ҳудойшукоров, Ортиқ Отажонов ва бошқа ўнлаб шогирлар етишиб чиқкан.

Комилжон Отаниёзовнинг жўшқин ижодий фаолияти кўпроқ замонавий услубларга қаратилган бўлса-да, у Хоразм мақомларининг асл намуналари четда қолиб кетмаслиги учун жонбозлик кўрсатди. 40—50-йилларда ҳаёт бўлган Матпано Ҳудойберганов, Маткарим Ҳофиз Бобоҷонов, Шерозий Матёқуб Отажонов каби кекса устозларни моддий ва маънавий қўллаб-куватлашга ҳаракат қилди.

Устоз Қувондиқ Искандаровнинг ҳикоя қилишича у 1944 йилда ёш авлод созандалари Матпано Ҳудойбергановдан мақом йўлларини ўрганиш учун шартшароит яратиб берган. Уруш йилларининг танқис шароитида айнан Комилжон Отаниёзов бутун ансамбл қатнашчиларини мунтазам равишда озиқ-овқат билан таъминлаб турган. 1949 йилда бевосита Матпано ота назоратида Хоразм мақомларини санъатшунослик институтида магнит тасмасига ёзиб олинишида жонбозлик кўреатган. Ўзи Каримжон Исломов билан ҳамнафасликда «Рост» ва «Сегоҳ» мақомларининг айтим йўлларини тўлиқ туркум шаклида ижро этган. Бу ёзувлар Хоразм мақомларини ўрганишда жуда мухим ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Сўнгра 50—60-йилларда Комилжон Отаниёзов ижодий баркамоллик босқичига эришганда айтган «Сегоҳ», «Дугоҳ», «Чоргоҳ», «Талқини Наво», «Нақши Наво» ва бошқалар мақом ижрочилигининг энг ноёб захираларини ташкил этади.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Ориф Алимаҳсумов 1927 йилда Тошкентда зиёли оиласида таваллуд топган. У ёшлигидан ашула айтишга, соз чалишга қизиқар эди.

*Ориф
Алимаҳсумов
(1927–2005)*



Тирикчилик важидан ёш болалик пайтидан тўқимачилик корхонасига ишга кирди. Ўша ерда дастлаб усталарга шогирд бўлиб, тез орада ўзи ҳам уста даражасига етди. Корхонада доимо радио янграб турар эди. Унда берилаётган ашулалярни зеҳни ўткир Орифжон тезда ёллаб олиб, ўзича айтиб юрган. Уни санъатга бўлган истеъодини пайқаган касбдошлари тез-тез байрам, тўй-ҳашамларга хизматга чақира бошлиши.

Кўп ўтмай 14 ёшли Ориф Алимаҳсумовнинг ёқимили овози Ўзбекистон халқ артисти Эшмат Ҳайдаровнинг эътиборига тушгани боис у ёш ашулачининг илк устозига айланди. У баланд ва ёқимили овоз этаси Ориф Алимаҳсумовга Фарғона—Тошкент мақомларидан, катта ашулашардан бир қанчасини ўргатди.

Ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарига қадар бўлажак ҳофиз иштиёқи баланд, зеҳни ўткир ҳаваскор хонанда бўла туриб, Карим Зокиров, Турғун Каримов, Акбар қори каби таниқли санъаткорларнинг ижро йўлларини маъқул кўриб, улар ижро этган қўшиқларни айтиб юрди.

1954 йил эстрада театрига хонанда сифатида ишга кирди. Бу ерда Ориф Алимаҳсумов машҳур санъаткор Муҳаммаджон Мирзаевдан санъат сирларини ўрганди. Катта устозлар билан биргаликда 1955–1956 йилларда вилоятлар ва қўшни республикаларда гастрол сафарларида иштирок этди. Шу йиллари халқнинг назарига тушиб, элнинг севимли хонандасига айланиб улгурган эди.

1957 йилда Юнус Ражабий Ориф Алимаҳсумовни радио қошида янги очилган мақомчилар ансамблига ишга таклиф этди. Тез орада моҳир хонанда замондош бастакорларнинг янги ашулашарини, катта ашула ва яллаларни, хусусан, авжлари бепоён «Шашмақом»нинг Фарғона—Тошкент йўлларини равон ва Эркин куйлашда етакчилик қила бошлиди. У мақом алломаси Юнус Ражабий билан ўн тўққиз йил мобайнida ижодий мулоқотда бўлди.

Ориф Алимаҳсумовнинг овози тиниқ, яъни лирик тенор бўлиб, эгилувчан, юмшоқ ва шу билан бирга шижоатли, жарангдор юқори авжларни тўлиқ ижро эта олиш қобилиятига эга бўлғанлиги учун мақомларнинг авжстарини Ортиқхўжа Имомхўжаев билан биргаликда, кўп ҳолларда якка ўзи ижро этиб, биринчи марта мақомнинг магнит тасмаларига туширилишида фидокорона қатнашган. Мақомчилар ансамблида кўп йиллар давомида ишлаб, ноёб мумтоз асарларни радионинг олтин хазинасига муҳрлади. Жумладан, «Шаҳноз», «Мўгулчай Наво», «Савти калон», «Гиря», «Фигон», «Сарпарда», «Чоргоҳ», «Дугоҳ Ҳусайниний» каби мақомларнинг беназир ижролари билан ҳалқимиз қалбидан чуқур жой олди. Шунингдек, Ориф Алимаҳсумов Юнус Ражабийнинг «Раъноланмасун», Орифхон Хотамовнинг «Қаро бўлибдур», «Жанон қиз», Фахриддин Содиковнинг «Тўй муборак», «Гуллар водийси», «Яшил қишлоқ», Муҳаммаджон Мирзаевнинг «Баҳт» ва бошқа бастакорлар асарларини ҳам маромига етказиб ижро қилди.

1964 йилда Ориф Алимаҳсумовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» ва ўзбек радиоси ташкил этилганининг 50 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон ҳалқ артисти» унвони берилди.

1976 йилда Юнус Ражабийнинг вафотидан сўнг, васиятга биноан, Ориф Алимаҳсумов мақомчилар ансамблига бадиий раҳбар сифатида мумтоз мусиқамизнинг ривожи йўлида кўплаб хайрли ишларни амалга оширди.

1972 йили Тошкент Давлат консерваториясида шарқ мусиқаси бўлими очилди. Бу ерда ўзбек мумтоз мусиқачи созандалари ва мақом ижрочилари тайёрланадиган бўлди. Ориф Алимаҳсумов консерваторияда шогирдлар тарбиялашта биринчилардан бўлиб таклиф этилди. Консерваторияда дарс бериш мобайнида ҳалқимизга манзур бўладиган кўплаб хонандаларни етиштириб чиқарди. Шулардан, Ўзбекистон ҳатқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Раҳматжон Курбонов, Ҳуррият Қосимова (Исройлова), Машрабжон Эрматов, Эркин Рўзиматов каби эл севган хонандалар Ориф Алимаҳсумов синфида таҳсил олганликларидан фаҳранадилар.

Ориф Алимаҳсумов кексайгандан сўнг ҳам ўн йилдан ортиқ ўзи истиқомат қилаётган «Яккасарой» маҳалласининг оқсоқоли сифатида фаолият юритди. Ойнаи жаҳон орқали мунтазам бериладиган «Оталар сўзи — ақёнинг кўзи» туркм кўрсатувларини кўп йиллар мобайнида олиб бориш Орифхожи отанинг зиёкорлик мартабасини янада оширди.

Ориф Алимаҳсумов 2005 йили хасталиги туфайли оламдан кўз юмди. Ҳали ҳанузгача устознинг ижро этган юзлаб қўшиқдари ёш хонандалар учун дастак, шинавандалар учун эса қалбни ларзага келтирувчи асарлар сифатида намоён бўлмоқда.

Мустақиллик мөвасидан баҳраманд ҳофизлар

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвони Ўзбекистон Президенти томонидан қайта тикланди ва бир қатор устоз санъаткорлар шу унвонга мұяссар бўлишиди ҳамда тақдим этилмоқда. Ҳозирги кунга қадар юксак унвонга сазовор бўлган ҳофизлар ҳақида маълумот берамиз. Айни пайтда халқ ҳофизлари устоз хонанда, бетакрор созандар ва серқира бастакор сифатида эл-юрга, Ватанга сидқидилдан хизмат қилиб келишмоқда.



*Oрифхон
Хотамов*



Орифхон Хотамов 1927 йилда Жиззах шаҳрида таваллуд топган. Орифхон Хотамовнинг отаси Хотамхон асли Фарғона водийсидан бўлиб, Эшонлар автолига мансуб зиёлилар оиласидандир. Водийдаги чор ҳокимияти раҳбарлари билан тортишув сабаб, Хотамхон таъқиб остига олинди. Шу туфайли у оиласи билан Жиззахга кўчиб келиб, шу ерда бироз муддат, яъни Орифхон мактабга боргунига қадар истиқомат қилди. Ота-онаси Тошкентта кўчиб келганида, бўлгуси санъаткор эндигина етти ёшдан ҳатлаган эди.

Болалигиданоқ мумтоз санъатга бўлган иштиёқ у кишини доимий изланишга, ўқиб-ўрганишга унади. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур, Фузулий, Машраб, Ҳувайдо, Лутфий, Муқимий, Оғаҳий, Чустий каби даҳоларнинг асарларини берилиб мутолаа қилиш унга руҳий мадад, маънавий қувват баҳш этди. Бетакрор газалларга, олам ва одам муаммоси, чукур фалсафий тафаккури, ташвишлари, қалб ўртанишларини ўзида мужассам этган маъно, мазмун жиҳатдан юксак сўзларга муҳаббат Орифхон Хотамовнинг етук ҳофиз бўлишида катта аҳамият касб этган. Мумтоз шоирларимизнинг қаламига мансуб юзлаб газалларни Орифхон Хотамов томонидан кўйга солиб, ижро этилгани сўзимизнинг исботидир.

Газаллардаги ҳар бир мисрани чукур англаған, уларнинг туб мазмун-моҳиятини теран ҳис этган ҳофиз гўзал ашуналар яратиш билан бирга, инсонни эзгуликка ундовчи мисраларни ўзининг қалбига ҳам сингдиргандиги боис, юриштуришлари, оила, фарзанд тарбияси, тўйю маъракалар, давраларда ўзини тутиши ҳамиша ибратли эди. Сўз ва амал бирлиги уйғун келганилиги учун бўлса керак, устоз ижро этган ҳар бир қўшиқ санъатсевар халқимизнинг қалб мулкига айланниб қолган. Зоро, дилдан куйланган хониш юракларни забт этиши табиий.

Орифхон Хотамов дастлаб, камон, яъни ғижжак чалиб, кўплаб ансамблларда ишлаган. Жумладан, Жиззах драма театрида, уруш пайтлари Янгийўл театрида, Тошкентдаги Муқимий номли театрда созанда сифатида кўзга кўринган.

Янгийўл театрда буюк ҳофиз ва бастакор Жўрахон Султонов билан таништач, уни ўзига устоз билдиб. санъатнинг сиру-асрорларини астойдил ўргана бошлади.

Орифхон Хотамов кўп қиррали санъаткор бўлган. У созанда, хонанда, бастакор ва мусиқа билимдони сифатида ҳалқимизга яхши таниш. Орифхон Хотамов юзлаб ғазалларга куй басталаб, мумтоз санъатимиз хазинасига ўз ҳиссасени қўшган санъаткордир. Шу билан бирга кўплаб шогирдларни тарбиялаб вояга етказган. Ўзбекистон ҳалқ артисти Матлуба Дадабоева, Ўзбекистон ҳалқ ҳофизлари Маҳмуд Йўлдошев, Бекназар Дўстмуродов, Маҳмуджон Тожибоев, Сойибжон Ниёзов, Абдунаби Иброҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Маҳбуба Ҳасанова ва Насиба Сатторовалар шулар жумласидандир.

Орифхон Хотамов басталаган асарлар аллақачон ҳалқ мулкига айланиб бўлди. У куйга солған Навоий газали билан «Қоши ёсинму дейин...», «Кўзинг не бало қаро бўлибдур», «Найлайн», «Холимни сўрмасму», «Ёр сендек...», «Изҳоридир бу...», Лутфий газали билан «Сенсан севарим», «Аё дилбар», «Фироқингиздин», Саида Зуннунова қаламига мансуб «Ўтдиму», «Ноқис», «Доғман», Фурқатнинг қаламига мансуб «Сарвиқомат», «Доғман», Муқимий қаламига мансуб «Намоён қил», Чустий қаламига мансуб «Ёр айланай десам ман». Мунис қаломига мансуб «Сенсиз» каби қатор сатрларга басталантган асарлар унинг буюк ижодкор эканлигига ишорадир.

Орифхон Хотамов устози Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи Жўрахон Султонов билан ҳамнафасликда бир қатор ашуладарни ижро этган. Ўзбек мумтоз санъатида устозлардан кейин ҳамнафаслик мактабини яратган ҳофиз Матлуба Дадабоева, Маҳбуба Ҳасанова. Бекназар Дўстмуродовлар билан ҳамнафасликда ўнлаб ашуладарни магнит тасмаларига ёздирган. «Ёлиз 1—2», «Холимни сўрмасму», «Сарвиқомат», «Чоргоҳ», «Фироқингиздин» каби асарлар шулар жумласидандир.

Орифхон Хотамов бутун умрини санъатга багишлади. Бундан ташқари мусиқа санъатининг чуқур билимдони сифатида ҳам устоз эди. Унинг ўзига хос фалсафий қарашлари бўлган, шу сабаб ҳар бир шогирди ва сұхбатдошини ўйлантириб қўярди. Орифхон Хотамовнинг овози, иқтидори, ижро маҳорати ва умузман, жамики хисматларида усталиги ва билим доирасининг кенглиги яққол сезилиб туар эди.

Мақомчилар ансамблида ишлаб туриб. санъат олий ўқув юртларида. жумладан, Тошкент Давлат санъат институтида. Тошкент Давлат консерваториясида ҳам ёш хонанладарга сабоқ берди. Орифхон Хотамовнинг барча меҳнатлари хисобга олиниб. 1991 йил «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1993 йил «Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи» унвонлари билан тақдирланган. Бундан ташқари «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Орифхон Хотамов бастакорлар уюшмасига аъзо бўлган.

Орифхон Хотамов оғир касалликдан 2002 йил 25 сентябрда вафот этди. У хақида китоблар серқирра санъаткорнинг буюк ижодкор эканлигини намоњишиш этади. Ҳозирги кунда фарзандлари ва шогирдлари унинг ишларини давом эттириб келишмоқда.



*Фаттоҳон
Мамадалиев*



Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳон Мамадалиев 1923 йили Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги Эски Ҳаққулобод қишлоғида таваллуд топди. Ёшлигидан миллий мусиқа санъатига катта ихлоси туфайли дутор, фижжак, танбур созлари чалишни мукаммал ўзлаштириб, халқ ашуаларининг моҳир ижрочилари бўлмиш Умрзоқ Полвон, Сайдали, Абдулла Тароқ, Беркинбой Файзиев, Жўрахон Султонов, Юнус Ражабий сингари буюк устозлардан сабоқ олди. Натижада мазкур хонандаларнинг ижро услубига таянган ҳолда ўзига хос ижод йўли ва услубини яратди.

Фаттоҳон Мамадалиев Андижондаги маданият уйи қошида мақомчилар ансамблини тузиб, 20 йил давомида ўнлаб ҳаваскор созанда ва хонандаларни катта санъат йўлига бошлади. Фаттоҳон Мамадалиев якка ва ҳамнафасликда ашула, катта ашула, мақом намуналарини маромига етказиб ижро этди. Унинг тиник, ширази, кенг кўламли овози ва ўзига хос ижро маҳорати мумтоз мусиқий меросимизга янгитдан ҳаёт бахш этди. Унинг овозидаги бироз ҳазинлик мумтоз хонандалик санъатига улуғворлик бахш этди. Унинг овози Европа овоз ўлчамларида лирик тенор бўлиб, кенг кўламли, пастки товушлари тўлиқ, юқори пардалари тиник, нисбатан нозик ва жарангдордир.

Фаттоҳон Мамадалиев, нафақат, хонанда, созанда, балки етук бастакор ҳамдир. У яратган «Интизор», «Оқибат», «Софиндим», «Кўнгил», «Дилкуш» каби ашуалари муҳлислар қалбидан чукур жой олган. Эл севган санъаткор, ҳофиз «Мискин», «Ушшоқ», «Муножот», «Насруллоий» каби чолғу қўйларига мумтоз шоирлар ғазалларидан қўйиб, ашула шаклига келтирган ҳолда ўзи ва талабалари томонидан ижро қилинди. Ижрочиликнинг ўзига хос йўналишини яратди. Бастакорнинг халқаро мақомчилар фестивалининг бош мукофотини олган «Дарду дилим» ашуласи бутун Осиё қалбини забт этди.

Фаттоҳон Мамадалиевнинг сўнгти 15 йил давомидаги сермаҳсул ижодий фаолияти бир қанча концерт ташкилотлари, Ўзтелерадио компаниясининг Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли, бастакорлар уюшмаси билан узвий

бөглиқдир. У Тошкент Давлат консерваторияси профессори сифатида ҳам кўплаб ёш истеъодларни тарбиялаб вояга етказди. Унинг шогирдлари орасида Ўзбекистон халқ артистлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артислар бор. Жумладан, Марям Сатторова, Соибжон Ниёзов, Хуррият Ироилова, Абдунаби Иброҳимов, Азамат Отажонов, Зафарбек Қурбонбеков, Үлмас Оллаберганов, Зухра Олимова, Гулсара Гойбова, Бобур Кенжаев, Санобар Сатторова каби кўплаб шогирдлари устоз нўлидан бориб, халқимизга беминнат хизмат қилиб келишмоқда.



Ўзбекистон халқ ҳофизи Ф. Мамадалиев.

Фаттоҳон Мамадалиевнинг миллий санъатимиз ривожи йўлидаги улкан хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон халқ ҳофизи» фахрни унвонига сазовор бўлди. «Меҳнат шуҳрати» ва «Эл-юрт хурмати» орденлари билан ҳам мукофотланди. Фаттоҳон Мамадалиев бутун умрини ўзбек мусиқа маданияти равнақига баҳш этган покиза санъаткордир.

Фаттоҳон Мамадалиев 1999 йили оғир хасталикдан Тошкентда вафот этди.



*Муҳаммаджон
Каримов*



Ўзбекистон халқ ҳофизи Муҳаммаджон Каримов 1919 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топли. Унинг отаси Карим сартарош танбур, дутор чалиш билан бирга ашула ҳам айтар эди. Карим ота кўпчилик хонандаю созандалар билан дўст бўлиб, борди-келди ришталарини узвий боғлаб турган. Уларнинг давраларида Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов ва Фулом қори Фаниевлар келиб туришарди. Муҳаммаджон Каримовнинг санъатга қизиқиши ёшлигидан бошланди, яъни 1934 йилдан бошлаб, дутор, танбур чалишга жадаллик билан киришди. 1936 йили 6-синфни битирган пайтларида ашула айтиб, «Узпром» қошидаги ансамблга ишга кирди. У ерда найчи созанда Нигмон Қори ва Ҳалим Домла дарс берар эди. Орада Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов ҳам ўша ерга келиб, ўз ижроларидан созандаларни баҳраманд этган. Ёш зукко Муҳаммаджон Каримов у кишидан «Чоргоҳ», «Дугоҳ» каби Фарғона—Тошкент мақом айтиш йўлларини қунт билан ўрганди.

1939 йилда мамлакат бўйича ҳаваскорлар олимпиадаси бўлиб ўтди. Июн ойида олимпиадада иштирок этиб, биринчи ўрин совриндори бўлди. 1939 йилнинг август ойида Муҳаммаджон Каримов билан бир қатор созанда ва хонандалар Хоразм вилояти Гурлан туманидаги театрни тиклаш мақсадида ишга юборилди. Муҳаммаджон Каримов шу ерда кўплаб спектаклларда роллар ижро этиб, созанда ва хонандалик қилди. Бир йилдан сўнг Туркманистоннинг Чоржўй вилоятида икки ярим ой давомида «Гулсара» спектаклини намойиши бўлди ва унда Муҳаммаджон Каримов бош ролни ижро этди. Бундан ташқари «Ғунчалар» спектаклида ҳам ўйнаб, олқишиларга сазовор бўлди. Навбатдаги спектакл «Фарҳод ва Ширин» эди. Шу вақт унинг отаси қазо қилганлиги ҳақида Тошкентдан хабар келди. Шундан сўнг ишдан бўшаб, Тошкентга қайтиб келди.

1941 йилнинг охирида Мирзачўл театрига ишга юборилди. Бу ерда ҳам мутахассислар етишмаганлиги сабабли ўз дўстлари — актёр, созанда ва хонандаларни чақириб, театрни тиклаш мақсадида кўплаб пъесаларни саҳналаштириди.



*Очилхон
Отахонов*



Ўзбекистон халқ ҳофизи Очилхон Отахонов 1926 йил 7 апрелда Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги Найнаво қишлоғида таваллуд топган. Машъум ўттизинчи йиллар қатағони даврида уларнинг оиласи Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Шўралисой қишлоғига сурғун қилинди. Шу жой оиласидаги бир умрли азиз масканига айланди.

Зиёли оиласада ўсиб улғайган ёш Очилхонда хонандаликка бўлган ҳавас эрта уйғонди. Ашулачилик сари қўйилган илк қадамлари Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов сингари устозларга тақлид қилиб кўйлашдан бошланди. Таниқли санъаткор созандада ва бастакор Фанижон Тошматов уни Жўрахон Султонов билан танишириб қўйгандан сўнг, устознинг этагини маҳкам тутиб, ашулачилик сирларини кунт билан ўрганишга тушди.

Республика радиоси қошида мақомчилар ансамбли ташкил этилгач, Очилхон Отахонов ўзи даргоҳга ишга кириб, Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий ўгитларидан баҳраманд бўлди. Мазкур жамоада қарийб ўттиз ийл фаолият кўрсатиб, кейинчалик ўзи ўнлаб ёш хонандаларнинг устозига айланди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида суратга олиниб, телевизорларда кўп бор намойиш этилган режиссёр Тошхўжа Акромовнинг «Шашмақом» видеофилмида Очилхон Отахонов ижросидаги «Насруллоий» ашуласининг лейтмотив сифатида қайта-қайта янграб туриши хонандани элга янада машҳур қилди. Бундан ташқари «Ҳусайний Наво», «Талқини Ушшоқ», «Қаландар» каби мумтоз асарларни маромига етказиб ижро қилди ва Ўзтелерадио олтин хазинасига муҳрлади.

Очилхон Отахоновнинг өвози драматик тенор бўлиб, кенг кўламли юқори пардалари жарангдор, ўрта ва пастки пардалари нисбатан қуюқ, тўлик ҳамда лирик тенорга нисбатан кам эгилувчандир. Аммо өвозидаги табиий дард, хасташибурлиги эшитувчини сел қилиб юбориш қурратига эга.

Очилхон Отахонов ўта оққўнгил, одамшинаванда, оиласпарвар инсон бўлган. Миллий хонандатик мавқенини баланд кўтариш, янги авлодда мақом ва мумтоз санъатга ҳавас уйғотиш ўйлида кўп фидойиллик қилди. Ёш хонандатарга ота-ларча меҳрибонлик билан санъаткорнинг олоб сирларини ўргатишдан чарча-мади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1992 йили Очилхон Отахоновнинг барча хизматлари ҳукуматигиз томонидан инобатга олиниб, «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвонига лойиқ кўрилди. Очилхон Отахонов 2004 йили оғир хасталикдан оламдаған кўз юмди.



Мақомчилар ансамбли хонандатари.

2011 йил 4 май куни Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта залида Очилхон Отахоновнинг ижодий кечаси ўтказилди. Унда у кишининг фарзандлари, шогирдлари ва ҳамкаслари ўз хотиралари билан ўртоқлашишиди. Очилхон Отахонов ижро этган асарларни кўйлаб, устознинг руҳини шод этишли. Айниқса, бу кечанинг ташаббускори у кишининг шогирди Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоевнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ.



Фахриддин
Умаров



Ўзбекистон халқ ҳофизи Фахриддин Умаров 1926 йил 1 сентябрда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида, оддий деҳқон оиласида туғилган. Отаси Аспўлат ота меҳнаткаш, тадбиркор, деҳқон бўлиб, ўз даврининг илмли, обрўли кишиларидан эди. Аспўлат отанинг биринчи аёли хасталик туфайли вафот этгандан сўнг, у киши Бўстонлиқ туманидаги Чимбойлик қишлоғидан Кароматхон исемли аёлга уйланди. Фахриддин ана шу Кароматхоннинг ўғли. Оилада ўн икки фарзанд бор эди.

Фахриддин Умаровнинг бобоси исми Умаршайх бўлиб, у диний ва дунёвий билимлардан боҳабар бўлган. Умаршайх бобонинг баъзи башоратлари вожиб бўлиб, набираси Фахриддинни «Бу неварам хонанда, ўз даврида энг таниқли кишиси бўлади» деб ният қилган экан.

Аспўлат отанинг санъатгә қизиқиши бекиёс бўлиб, ўзи дуторни зўр маҳорат билан чаларди. Баъзи вақтларда хонадонларига яқин атрофда яшовчи, элга манзур бўлган хонанда ва созандаларни меҳмонга чақириб, уларнинг санъати ва суҳбатидан баҳраманд бўлиб турган. Бу давраларнинг барчасида Аспўлат ота ёш Фахриддинни ёнида олиб ўтиради. Тиришқоқ Фахриддиннинг қалбida ана ўша даврда санъатга меҳр уйғонган бўлса, ажаб эмас.

1928—1930 йиллар бошларига келиб, собиқ Иттифоқ раҳбарлари «ташаббуси» билан қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш жараёни бошланиб кетди. Бу сиёsatга қўшилмаган ўзига тўқ деҳқонлар узоқ ўлкаларга сургун қилинди. 1930 йил кузила Қибрай туманидаги бир неча ўнлаб хонадонлар қатори Аспўлат ота оиласининг бошига ҳам худди шундай даҳшатли ташвиш тушди. Улар эр хотин ва 12 фарзанди билан темир йўл вагонларида Украина ning Херсон вилоятидаги Скадовоиск қишлоғига сургун қилинди. Шу пайтда Фахриддин тўрт ёшда, онаси Кароматхон йигирма беш ёшда эди. Инсон яшашига ноқулай бўлган шароитда уй-жойидан, бор нарсасидан, маҳалласидан, қишлоғидан, яқинларидан айрилган оиласалар ниҳоятда қашшоқликда, тинимсиз меҳнатда, шўро вакилларининг доимий назорати ва тазиёки остида яшадилар. Қулоқ қилинган ўзбек оиласалари

фарзандлари учун кичик мактаблар ташкил қилиниб, Ўзбекистондан келган муаллимлар уларни ўқитар эди. Ёш Фахриддин ўша мактабларда тўлиқсиз ўрта маълумотни олди.

Бу ердаги яшаш ва меҳнат шароитидан норози бўлган сургун қилинганлар номидан бир неча эркак назорат қилиб турганларга: «Бизни қайси гуноҳаримиз учун бу ерга юбориши?» дега арз қилишганда, бош кўтарғанларни ишчи батальонига бадарға қилиб юбориши. Улар орасида Аспўлат ота ва унинг катта ўғли ҳам бор эди.

Оила бошлиғи ва катта ўелидан ажраган Кароматхоннинг зиммасига 11 болани боқиш, оғир шароитда тарбиялашдек оғир масъулият тушди. Бу қийинчиликлар туфайли 1935 йилда Кароматхон оғир хасталиқдан ўша ерда вафот этди. Фарзандларга бош бўлиш, энг катта опаси зиммасига тушди. Хуллас, сургундаги ҳаёт уруш тугагунга қадар давом этди.

1946 йилда умумий рухсат берилгач, қулоқ қилинганлар ўз юртига қайтиши. Аспўлат ота оиласи ҳам Қибрайга бир неча ўн кунли йўл азобидан сўнг қайтиб, янти яшаш жойларини қуриб, баҳоли қудрат умр кечира бошладилар. Бу ерда мактабга бориб, мусиқа тўгаракларига қатнай бошлаган Фахриддин машҳур созанда ғижжакчи Раҳимжон Икромовдан соз сирларини ўргана бошлаган.

Сургундан қайтганида Фахриддин Умаров йигирма ёшда бўлган. Санъатга бўлган ишқибозлик энди хоҳиш ва истакка айланган даври бўлиб, бир нечта ашулаларни бемалол кўйлай бошлади. Дутор ва ғижжак созларини маҳорат билан ижро қиласидан даври ана ўшанда бошланган эди.

Ҳатто маҳалладаги тўй ва базмларда ҳам баҳоли қудрат ўзининг сози, ширали овози билан қатнашиб турар эди. 1940 йилнинг кузида Фахриддин Умаровни Ўзбекистон радиосига ишга қабул қилишди. Икки йил мобайнида ўша ердаги устоз санъаткорлардан тинимсиз ўрганиб, шу даврда эндигина русум бўлаётган лирик қўшиқларни ижро эта бошлади.

1948—1951 йилларда Фахриддин Умаров отаси деҳқон бўлганлиги сабабли деҳқончилик ишлари билан шуғулланиш учун Пскент туманидан ер олиб, ишлай бошлади. Бундан ташқари ўша ерли халқнинг тўй базмларида ҳам баҳоли қудрат хизмат қилиб, санъатдаги малакаси оша борди. Бу ерда Фахриддин Умаров илк бор Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, хонанда Асқар Убайдуллаев билан яқиндан танишди. Шундан кейин умрларининг охиригача устоз-шогирд муносабатлари узилмади.

1951 йили отасининг маслаҳати билан Фахриддин Умаров Тошкентга қайтиб, эстрада театрига ишга кирди ва Чорсудаги «Учқун» мактабининг кечки бўлимида ўрта мактабнинг сўнгги синфини ўқиб тугатди. Бу мактабда ажойиб инсон, кейинчалик филология фанлари доктори, профессор унвонини олган Шариф Юсуповдан таҳсил олди. Ўша кездаёқ Фахриддин Умаровда адабиётга, шеъриятга қизиқиш кучайди.

Фахриддин Умаровнинг илк қўшиғи 1953 йил Ёнғин Мирзонинг «Учиб ўтган қалдирғоч» шеърига айтилган. Шу асар сабаб Фахриддин Умаров элга танила бошлади. Ундан кейин қатор лирик қўшиқлар яратиб, ижро этиб, ҳатто ўз кон-

церт дастурини тузиб, ҳалқа тақдим этди. Бу янгича мусиқий йўналиш Фахридин Умаровни машҳурлик чўққисига етаклади. Унинг радио ва телевидение-даги чиқишлари еттидан етмишгача бирдек ёқар эди.

1954 йилдан бошлаб, Фахридин Умаровнинг ижодида туб бурилиш рўй берди. Шу йилларда яратилган Хислат газали билан «Найларам», Бобур газали билан «Жамолинг», «Сочингни савдоси тушди», «Кам бўлмасин», Навоий газали билан «Сабо этсанг» каби асарлар ижодкорга шон-шуҳрат келтирди. Фахридин Умаровнинг машҳурлиги шу даражага етди, у келган тўй-базм ҳалқ сайли, байрамига айланар эди. Ўша даврларда кўпчилик ҳавас қилиб, фарзандларига Фахридин исмини қўйишган, унинг содик шогирди тарих фанлари доктори, профессор Ҳожиакбар Ҳамидовнинг таъкидлашича, «бундай машҳурлик юртимизда бошқа бирон хонандада, ҳеч қайси даврда қузатилмаган. Борган жойида унинг учун саҳна ва саҳна ўртасида таҳт ясатилган базмларни кўрганман».

Бундан ташқари Фахридин Умаров кўплаб гастрол сафарларида ҳам бўлган. Жумладан, собиқ Иттифоқдаги республикаларнинг барчасида, Ўзбекистоннинг жами вилоятларида кўплаб концертлари бўлиб ўтган. Бир гастрол сафарида хизмат қилиб юрган чогида бронхиал астма дардига дучор бўлиб, бу касаллик умрининг охиригача уни тарк этмади. 1964 йилда клиник ўлим ҳолатини ҳам бошидан кечирди.

2002 йили шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан Фахридин Умаровнинг хизматлари муносиб қадрланиб, «Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи» фахрли унвон билан тақдирланди. У 400 дан ортиқ қўшиқтарни яратиб, қўшиқчилик хазинасига бетакрор ҳисса қўшган хонанда сифатида тарихда қолди.

2007 йил 7 сентябрда Фахридин Умаров оғир хасталикдан сўнг 82 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Унинг овози Ўзбекистон радио-телевидениесида, миллионлаб хонадонларда, қолаверса, шогирдлари ижросида мунтазам янграмоқда. Фахридин Умаров ҳақида Набижон Боқий ва Ҳожиакбар Ҳамидов муаллифлигига 2000 йили «Мени ёд эт» номли хотира китobi чоп этилган. Шогирди Ҳожиакбар Ҳамидов томонидан 4 соатли ҳужжатли фильм суратга олиниб, ҳалқимиз эътиборига ҳавола қилинди.

Одилжон Юсупов



Ўзбекистон халқ ҳофизи Одилжон Юсупов 1928 йил 19 майда Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги Хўжаобод қишлоғида оддий дехқон оиласида таваллуд топди. У ёшлигидан санъатга меҳр кўйган, чунки оталари Юсуфбек ҳам танбур, дутор чалиб, ашула хиргойи қилган экан.

Одилжон Юсуповнинг устозлари Маматхўжа, Эшон Отахўжаев, Сайдали қори, Шокиржон қори, Мўмин қори, Умрзоқ полвон, Худойберди қори каби забардаст ҳофизлардан таълим олган. Маълумки, олдинлари водий ижодий муо-маласида қори атамаси устоз маъносини англатган. Одилжон Юсупов ҳам ўз устозларига қори ака, деб мурожаат этган.

Одилжон Юсупов, гарчи, санъат йўналишида бирон бир мусиқа ёки санъат билимгоҳларида ўқимаган бўлса-да, етук устозлар таълимидан баҳра олган хонандада бўлиб етишли. Бундай хонандаларни илгариги даврларда ҳаваскор, деб аташган. Одилжон Юсупов ўзи дехқончилик билан шуғулланган. Аммо хонандаликни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта ўзлаштирган. Айниқса, патнисаки ёки катта ашулаларни юксак маҳорат билан ижро қилган.

1972–1974 йилларда республика миқёсида ўтказилган «Марҳабо, талантлар» фестивал кўрик-танлови ғолиби бўлган. Шундан кейин эл оғзига тушиб, аста-секин танила борди. Унинг юқори авжлардаги овозининг жарангдор, сержалло оҳангги, маҳоратли ва нафис ижролари, нафақат, ўзбек халқининг, балки ўша даврларда раҳбар бўлган бошқа миллат вакилларини ҳам қойил қолдирган. Шунинг учун ҳам Одилжон Юсупов кўплаб концертлар, мусиқий анжуманлар, фестиваллар ва кўрик-танловларга таклиф этилган.

1974–1978 ва 1985 йилларда Самарқанд, Олмаота шаҳарларида ўтказилган Бутунжаҳон халқлари фольклор фестивалларида муваффакиятли ижролар билан қатнашган.

1985 йилда Италия, Франция, Швецарияда ўтказилган Бутунжаҳон халқлари фольклори фестивалида қатнашиб, мақом ижрочилиги ва катта ашула намуналаридан ижро қилиб, хорижлик тингловчиларга ўзбек санъатининг буюклигини намойиш этди.

Одилжон Юсупов



Ўзбекистон халқ ҳофизи Одилжон Юсупов 1928 йил 19 майда Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги Хўжаобод қишлоғида оддий деҳқон оиласида таваллуд топди. У ёшлигидан санъатга меҳр қўйган, чунки оталари Юсуфбек ҳам танбур, дутор чалиб, ашула хиргойи қилган экан.

Одилжон Юсуповнинг устозлари Маматхўжа, Эшон Отахўжаев, Саидали қори, Шокиржон қори, Мўмин қори, Умрзоқ полвон, Худойберди қори каби забардаст ҳофизлардан таълим олган. Маълумки, олдинлари водий ижодий муо-маласида қори атамаси устоз маъносини англатган. Одилжон Юсупов ҳам ўз устозларига қори ака, деб мурожаат этган.

Одилжон Юсупов, гарчи, санъат йўналишида бирон бир мусиқа ёки санъат билимгоҳаридаги ўқимаган бўлса-да, етук устозлар таълимидан баҳра олган хонанда бўлиб етишди. Бундай хонандаларни илгариги даврларда ҳаваскор, деб аташган. Одилжон Юсупов ўзи деҳқончилик билан шуғулланган. Аммо хонандаликни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта ўзлаштирган. Айниқса, патнисаки ёки катта ашулаларни юксак маҳорат билан ижро қилган.

1972–1974 йилларда республика миқиёсида ўтказилган «Марҳабо, талантлар» фестивал кўрик-танлови голиби бўлган. Шундан кейин эл оғзига тушиб, аста-секин танила борди. Унинг юқори авжлардаги овозининг жарангдор, сержило оҳангги, маҳоратли ва нафис ижролари, нафақат, ўзбек халқининг, балки ўша даврларда раҳбар бўлган бошқа миллат вакилларини ҳам қойил қолдирган. Шунинг учун ҳам Одилжон Юсупов кўплаб концертлар, мусиқий анжуманлар, фестиваллар ва кўрик-танловларга таклиф этилган.

1974–1978 ва 1985 йилларда Самарқанд, Олмаота шаҳарларида ўтказилган Бутунжаҳон халқлари фольклор фестивалларида муваффақиятли ижролар билан қатнашган.

1985 йилда Италия, Франция, Швецияда ўтказилган Бутунжаҳон халқлари фольклори фестивалида қатнашиб, мақом ижрочилиги ва катта ашула намуналаридан ижро қилиб, хорижлик тингловчиларга ўзбек санъатининг буюклигини намойиш этди.

Одилжон Юсуповнинг узок йиллик самаради мечнати ва ижоли юксак қалрланиб, Президентимиз Фармонига биноан, «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвони билан тақдирланди.

Одилжон Юсупов ижро этган Маҳтумкули газали билан «Ёкқанча бўлмас», Сайфий газали билан «Дугоҳ Ҳусайнинй», «Ёр келиб кет», катта ашулаардан Фурқат газали билан «Жаноним менинг», Собир Абдула газали билан «Норин», «Қойилман», Ҳабибий газали билан «Бу тулшан соз», Мискин газали билан «Айлансанн қулинг», Мамарасул Бобоев шеъри билан «Фазилатдан» каби асарлари муҳтистар қалбидан чуқур жой олган. Мазкур асарлар Ўзтелерадионинг олтин хазинасида сақланмоқда. Бундан ташқари Одилжон Юсупов ижодига багишланган «Одил ҳофиз», «Очун» каби видеофильмлар суратга олинган ва кўп бор намойиш этилган. Турмуш ўртоқлари Кимёхон ая Юсуповага «Қаҳрамон она» унвони берилган. Улар биргаликда 11 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказишган.

Одилжон Юсупов 1993 йили оғир ҳастаник туфайли оламдан кўз юмени.



Ўзбекистон халқ ҳофизлари Фаттиюхон Мамадалиев, Оқилхон Отакхонов,
Одилжон Юсупов, Ҳасан Ражабов

Одилжон Юсупов инсонийлик жиҳатдан ниҳоятда пекиза санъаткор эди. Ҳонандайлар аслида поклук, тозаликка риоя қилинадарни керак. Баъзи ҳонандайларга ўхшаб шов-шуг учун эмас, балки Одилжон Юсупов сингари камгарин ва хокисорона ҳаёт кечиришса, нур устига аъло нур бўлади.

Қувондиқ Искандаров



Ўзбекистон халқ ҳофизи Қувондиқ Искандаров 1930 йил 10 сентябрда Хазорасп туманида ишчи оиласида туғилди. Ёш хонанда оиласининг тўнгич фарзанди бўлганлиги учун эрта меҳнат қилиб, пул топишга ҳаракат қилди. Маълумки, Иккинчи Жаҳон урушидан олдинги даврда ҳаёт, яшаш шароити жуда оғир кечди. Улар оиласида 11 фарзанд бўлган. Қувондиқ ёш бўлишига қарамай ашула айтишга, соз чалишга иштиёқи баланд эди. У ҳофиз Бобораҳим Мирзаевдан дастлабки ўрганган асарлари «Тановор» («Энди сендек жоно») ва «Эй пари» («Ўзингта») ашулалари эди. Бу ашулаларни тезда ёллаб, мақом ижросининг Фарғона—Тошкент йўлларига мөхри тушган.

Кейинчалик эса Қувондиқни Хоразм вилоятининг энг кўзга кўринган ҳофизи Озод Жабборовга шогирд сифатида топширишган. Устоз ёш хонанданинг ашулаларни берилиб айтишини кўриб, шогирд сифатида узоқ вақт ёнида олиб юрди.

Озод Жабборовнинг кўлида у кўп ашулалар ўрганиб, ижрочиликдан таълим олди. Шу даврда Ўзбекистоннинг энг ёрқин ҳофизлари Ҳожихон ва Нурмуҳаммад Болтаевлар билан учрашиб, уларнинг кўп сабоқларидан баҳраманд бўлди.

Қувондиқ Искандаровнинг «Феруз I-II» ашулаларини ижро этишдаги маҳорати унинг юлдузлик чўққисига кўтарилишига беқиёс қадам бўлди. Ундан ҳам, ундан кейин ҳам «Феруз»ларни эркак кишилар орасида Қувондиқ Искандаровдек, аёллардан Назира Юсуповадек маромига етказиб ижро этгани бўлмади. Қувондиқ Искандаров кўплаб устозлар кўлида таҳсил кўрган ҳофизларидир. Хонанда ҳаёт даврида таъкидлаганидек, у нафақат, Хоразм устозларидан, балки марғилонлик Жўрахон Султонов, Маматбува Сатторов, кўқонлик Расулқори Мамадалиев, андижонлик Фаттоҳхон Мамадалиев ва бошқа ўзидан олдинги беназир санъаткорлардан таълим олиб, уларни ўзига устоз деб билган.

Қувондиқ Искандаров 1949—1952 йилларда ҳарбий хизматни ўтагач, Ражабқори исмли доирачиси ва ҳамнафаси билан бирга юриб, устозлари кўмагида халқ орасига чиқиб, нафақат, Хазорасп тумани, балки бутун Хоразм вилояти.

Бухоро вилояти ва Қорақалпогистон Республикаси бўйлаб ҳалқ хизматида бўлди, коншертларда фаол қатнашган.

Ражабқори билан биргаликда айтган ашулалари Қувондиқ Искандаров учун ҳамнафаслик мактабини ўтаб, элга танилишида кўп ёрдами тегди. Ражабқори Қувондиқ Искандаровга, нафақат, ҳамнафас, балки билмаган асарларини ўргатиб, камчиликларини тўлдирган, чунки у қори (кўзи ожиз) эди, эслаб қолиш қобилияти эса ривожланган эди.

Албатта, ҳамнафаслик катта меҳнат ва машаққатни талаб этади, чунки икки ёки ундан ортиқ ашулачиларнинг бир-бирини эшишиб айтиши ва айтганда ҳам, бир одам ижро этаётгандек бўлиб таралиши шарт. Ана шунда ҳамнафаслик тўла-конли ижро бўлади.

1960 йилда Фаргона—Тошкент ижро услубига қизиқиш санъаткорни Тошкент сари етаклади. Қувондиқ Искандаров Тошкент Давлат филармониясига ишга жойлашди. У кўплаб ашулалар ижро этиб, радио ва телевидениедаги чиқишилари ҳалқининг оғзига тушди. Уша даврда Тошкентда барча етук хонандозандалар, аргистар, актёрлар, раққосалар, хуллас, санъат аҳтиининг энг кўзга кўринган намоёндалари йигила бошлаган эди.

1975 йилдан кейин Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи Рўзмат Жуманиёзов билан айтишган дирагишишмалари эса Ҳожихон Болтаев билан Пол Дузчи ёки Қаландар Бангилар билан бўлган дирагишишмалардан ҳеч кам жойи йўқ эди. Бу дирагишишмаларда гоҳида Қувондиқ Искандаровнинг мағлубияти кўринса, гоҳида Рўзмат Жуманиёзов мағлуб бўлар эди. Қувондиқ Искандаров кўпинча Навоий мухаммасларидা, Рўзмат Жуманиёзов эса Машраб мухаммасларидаги дирагишишмаларини айтишарди.

Устознинг шогиралари ҳам жуда кўп; улардан Матназар Худойназаров, Ўзбекистон, Туркманистон. Татаристон ва Қорақалпогистон ҳалқ артисти Отажон Худойшукуров, Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпогистон ҳалқ артисти Ортиқ Отажонов, Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпогистон ҳалқ артисти Бобомурод Ҳамдамов, Ўзбекистон, Қорақалпогистон ҳалқ артисти Олмахон Ҳайтова, Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи Фарҳод Давлетов, Ўзбекистон ҳалқ артисти Матлуба Дадабоева, Ўзбекистонда ва Қорақалпогистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Курбонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зариф Азизов, Ўлмас Оллоберганов, Гулсара Гоипова, Санобар Сатторовалардир.

Устоз яратган асарлардан «Суҳбатлашайлик», «Узоқдасан», «Иккимиз», «Қайдасан», «Бўлмагунча», «Ёққанча бўлмас» каби ашулалар унинг бастикорлик маҳорати юқсанлигидан далолат беради. Ҳозирги кунда устоз бастилаган асарларни хонанталар севиб ижро этишгани боис мухлислар томонидан берилиб тингланади.

Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи Қувондиқ Искандаров Ўзбекистон радиосининг олтин хазинасигати 300 дан ортиқ айтган ашулаларидан 43 тасини шахсан ўзи яратган. У беш фарзанднинг отаси ва кўплаб невараларнинг меҳрибон бобоси бўлган. «Сувора»лар ва «Феруз»ларни маромига етказиб айтган ҳофиз, Тошкент Давлат консерваториясининг профессори ва талабаларнинг суюқли устози эди.

Қувондиқ Искандаров 2001 йили юрак хасталиги туфайли оламдан кўз юмди.

Rўзмат
Жуманиёзов



Ўзбекистон халқ ҳофизи Рўзмат Жуманиёзов 1933 йил 5 марта Хоразм ви-
лоятининг Фойбу қишлоғида ишчи оиласида туғилди. Ўрта мактабни тутатлашай
туриб, уруш бошланганлиги сабабли, уларнинг оиласи кўп қийинчилкларни
бошидан кечирди. Шунда тақдир Рўзмат Жуманиёзовни Хоразмнинг кўзга курин-
ган ҳофизларидан бири Кутлимурод Ҳожиев билан учраштириди. Шогирди си-
фатида унинг ёнида юриб, кўплаб ашуладар ўрганди. Кутлимурод Ҳожиев
ҳам бу йигитдаги табиий иқтидорни кўриб, ўз устози Ҳожиҳон Болтаев билди
юзлаштириди.

Рўзмат Жуманиёзовнинг жуда кучли ҳамда кенг қўлами жарангдор овоз
соҳиби эканлигидан Ҳожиҳон ака ҳайратда тушиб, унга Хоразм макомири ва
суворийларнинг ижро услубини ўргатди. Ўз иқтидори ва тафаккурига яхшиси-
ниб, тўғри нафас олиш, овоз имкониятларидан унумли ва тежамкорлик билди
фойдаланиш сирў асерорларини ўзлаштириди.

Суворийлар маълумки, мухаммасларда кўйланади, бир қатор, бир мисраги
хонандатик амалиётида бир ёки икки маротаба сўзлар орасида нафас одинади.
Авж қисемларида эса нафас қанчалик қисқа ва тез-тез одиниб турилса, овоз
сифати сусаймай, қийинчилкларсиз ижро амалга оширилади. Рўзмат Жуманиё-
зов эса ҳар бир мисрага битта нафас олиб, авж қисемларида икки мисрани бир
нафасда ижро этиш қобилиятига эта бўлган. Шуни ҳам алоҳида таъкидланиб
ракки, Рўзмат Жуманиёзов соатлаб ашула айтса ҳам, овози умуман чарчамай-
диган хусусият соҳиби эди.

Европа овоз ўзчамларида Рўзмат Жуманиёзовнинг овози лирик-тромпетик
тенор деб номланади. Бундай ноёб овоз соҳибларининг пастки, ўрта ва юқори
регистрлари тўлиқлиги, қуюқлиги билан ажralиб туради. Бир эшиттанто бўл-
дай овоз турининг лирик баритонга ўхшаб кетадиган жиҳатлари ҳам бор, яъно
товушининг юқори пардалари кенглиги ва баландлиги «тенор» овоз соҳибларини
лигиздан далолат беради.

Рўзмат Жуманиёзов, гарчи, бастакорлик имкониятлари серқирра бўлмасада, якка ижрода мақом ва суворий йўлларини мукаммал эгаллаб, етук санъат даражасида намойиш этишга қодир бўлган ҳофизлардан бирига айланди. Шу сабабли Хоразм вилоят филармониясидаги мақомчилар ансамблига маслаҳатчи хонанда сифатида ишга таклиф этилди. Ансамбл жамоасига Хоразм мақомларидан кўпгина намуналарни ўргатиб, магнит тасмаларига ёздиришта муваффақ бўлди. Бундан ташқари Ўзтелерадионинг олтин хазинасиға ҳозирги кунда номоддий бойлик саналмиш мумтоз мусиқий асарларнинг энг ноёбларини ёздириб қолдирди.

Рўзмат Жуманиёзовнинг хизматлари давлатимиз томонидан юксак қадрланиб, 1992 йилда «Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи» унвонига сазовор бўлди. 2001 йилда Рўзмат Жуманиёзов оғир хасталикдан вафот этди.

Ўзбекистон радиосидаги олтин хазинада у кишининг кўплаб магнит ёзувлари сақланмоқда. Уларнинг ичида баъзилари ҳам борки, улар тоблари йўқ чоғда ёзилган. Яъни ўзи ижро эта оладиган пардалардан нисбатан пастроқ куйланган. Овозидаги хасталик сезилса-да, ижро салоҳияти асло камаймаган. Айтмоқчимизки, асл ҳолидаги ижрони Рўзмат Жуманиёзов илҳомланган вақтлари эшитилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай кезда шинавандалар даврасида намоён бўлганлигини унинг сафдошлари, ўша давраларда уни тинглаганлардан эшитганмиз. Бундан ташқари унинг муҳлислари томонидан ёзib олинган магнит тасмалардан ҳам тинглашимиз мумкин.

Бугунги кунда Рўзмат Жуманиёзовнинг ижро йўли, айтган мумтоз асарлари, нафақат, Хоразм, балки бутун Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиё мумтоз мусиқа ва мақом санъати бобида камолот рамзи бўлиб қолди.

*Алижон
Эркаев*



Ўзбекистон халқ ҳофизи Алижон Эркаев 1933 йил 10 октябрда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманинда туғилган.

Ўрга мактабни туғатиб, 1952 йилда Тошкент Давлат чет тиллари институтининг немис тили факультетига ўқишига кирди. Олийгоҳни 1956 йилги интифоди диплом билан туғатиб. Шу йилдан эътиборан, Фарғона педагогика институтидан немис тилидан дарс берса бошлади. Домлалик қилиш билан биргаликда маориф бўлимида нозир бўйиб ишлайди.

1960 йилдан бошлаб, педагогика фанлари илмий текшириш институтидаги катта илмий ходим ва лаборатория мудири бўлиб ишлаган.

1966 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг фалсафа кафедрасида эстетика мутахассислиги бўйича аспирант-тадқиқотчи сифатида амалиётни утади. 1969 йисли номзодлик диссертациясини ёқлаб, фан номзоди илмий ларажасини олди.

1974 йили Алижон Эркаевга доцент илмий унвони берилди. Шу йилдан бошлаб, Абдулла Қолирий номидаги Тошкент маданият институтининг касаба учун маси раиси, этика ва эстетика кафедраси мудири бўлиб ишлаган.

1988—1996 йилларда Тошкент автомобил ва йўллар институтидаги кафедраси мудири бўлиб ишлаган. Шу йиллари фалсафа фанлари доктори профессори унвонига сазовор бўлди.

Алижон Эркаевнинг касби ўқитувчилик бўлса-да, хонандаликка, ашузи ўтишга ихлоси басинда булғанлиги учун халқ ва бастакортар асарларидан яхши намуналар ижро қилиб, муҳлислар қалбидан чукур жой олди.

Алижон Эркаевнинг овози драматик баритон бўлиб, пастки ва ўрта ширинлари тўлиқ, қуюқлир. Юқори пардалари нисбатан баланд пардаларни куячиди олмаса-да, қаҳрамонона руҳиятга эга.

Унинг ижросидаги ўттиздан ортиқ ашула ва қўшиқлар Ўзтелерадионинг олтин хазинасига ёзиб олинган. Иккита катта граммпластинка ва ўн бешдан ортиқ оддий граммпластинкалари мухлисларга тақдим этилган. Бундан ташқари учта ижодий концерт кечаси ва битта айтишув концерти Ўзтелерадио компанияси хазинасида сақланмоқда.

2003 йилда ҳукуматимиз томонидан «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвонига лойиқ топилди.

Бугунги кунда Алижон Эркаев нафақада бўлса-да, Тошкент Давлат маданият институтида етакчи мутахассис сифатида ёшларга ибрат бўлиб, профессор лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Алижон Эркаевга санъат ва ўқитувчилик касбларининг муштараклик жиҳатлари нимада деб савол берганимизда, у шундай жавоб берди: «Ўқитувчилик ва умуман педагогика соҳаси жуда мураккаб, санъат ҳам ўзига хос қийинчиликларга эга. Ҳар икки жабҳани осонлик билан эгаллаш мумкин эмас. Мен учун бу соҳаларниң тарбиявий аҳамияти ва таъсири ниҳоятда катта. Педагогика ўзноми билан «камолотга етаклаш» деган маънени англаради, санъат ҳам инсоннинг онгини гўзаллик, нағислик каби хислатлар билан бойитади.

Бугунги кунда миллий менталитет ҳам янги фан. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос томонлари, яъни у санъатда бўладими, турмуш тарзидами, кийинишидами, урф-одатларидами, хуллас, барча жабҳаларда ўзига хос томонларини тушунтириб беради. Демоқчиманки, бугунги кунда мен ёшларни, нафақат, педагогика орқали балки, санъатим билан ҳам тарбияляпман».

Маълумки, Алижон Эркаев мумтоз хонандалик соҳасида кўплаб устозларни кўрган, санъатидан баҳраманд бўлган. Айтмоқчимизки, бу санъаткор — хонандалик ва ўқитувчиликнинг бир-бирига муштараклиги ва мос келмайдиган томонларини чукур ўрганиб, фалсафий мушоҳада юрита олган ягона халқ ҳофизи сифатида майдонга чиқди.

Эсон Лутфуллаев



Ўзбекистон халқ ҳофизи Эсон Лутфуллаев 1935 йили Жиззах вилоятининг Фориш туманида туғилган. У ёшлигиданоқ ашуда айтишга, соз чалишга жонудидан қизиқди.

Мактабда ўқиб юрган даврларида мусиқа тўгаракларига муентазам қатнашиб, туман, вилоят чиқёсидаги концерт тадбирларидаги фаол иштирок этди. Ана шундай тадбирлардан бирида таниқли хонандалар Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқвлар билан танишади ҳамда уларга шогирд бўлиб, Тошкентта келди.

Унинг овози лирик тенор бўлиб, кенг кўламли асарларни ҳам бемалол қийнатмасдан куйлай оладиган хонанда сифатида танилди. Унинг овозидаги хасташирин тембри эшитувчиларни ўзига ром этди.

Эсон Лутфуллаевнинг овозини эшитган устоз созанда, хонанда, бастакор, академик Юнус Ражабий уни мақомчилар ансамблига ишга таклиф этди. Эсон Лутфуллаев умрининг охиригача шу ерда баҳоли қудрат хизмат қилди.

1980 йили ҳукуматимиз томонидан унинг меҳнатлари қадрланиб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига лойиқ топилди.

Эсон Лутфуллаевнинг ижро дастуридаги кўплаб ашулаларни ўзи басталаган. Ҳамнафасликда ҳам кўплаб кўшиқлар ижро этган. Жумладан. Фурқат газали ва Орифхон Ҳотамов мусиқаси «Фироқингиздин», «Хуш кечалар», «Сенсиз» каби асарлар ҳамнафасликнинг ёрқин намунаси бўлиб, ҳозирги даврда ҳам ўз қадрқийматини йўқотгани йўқ.

Маълумки, мақомлар бир неча маротаба радионинг олтин ҳазинасига ёзилган. Такрор ёзувларда Эсон Лутфуллаев юқори авжаларни овозининг нозик жатлари билан гўзал ижро этган. Бундан ташқари якка ижрова «Сараҳбори Наво», «Сараҳбори Дугоҳ», «Сараҳбори Оромижон», «Савти Сабо», «Орази Дугоҳ» каби кенг кўламли мураккаблиги туфайли нисбатан кам ижро этиладиган асарларни айтган ва Ўзтелерадионинг олтин ҳазинасига ёзиб қолдирди.



Мақомчилар ансамбли.

Эсон Лутфуллаев мақомчилар ансамбліда ишлаш жараёнида күплаб ёш хонандаларга устозлик қилди. Уларға ижро қилинмай, унтуилаёзган мұмтоз асарларни қайта тиқтаган ҳолда ёш хонандаларға ўргатиб, олтін хазинаға муҳрлатаған. Унинг шогирдларидан Ўзбекистонда хизмат күрсатған артист Комила Аминова, Гулжаҳон Отакурова, Мажидхон Сайдов ва күплаб ёш ижрочилар айни күнларда халққа сидкіділдан хизмат қилиб келишмоқда.

Эсон Лутфуллаев күплаб оммавий тадбирларда, Мустақиллік кунини нішонлашда, Наврұз байрамларыда мунтазам қатнашиб, шинавандаларни ўз саньатидан баҳраманд этған. Беназир хизматлари инобаттаға олиниб, унга Ўзбекистон Республикасы Президентининг Фармонига биноан, «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвони берилди.

Эсон Лутфуллаев 2000 йили оғир хасталикдан вафот этди.

Қобилжон Юсупов



Ўзбекистон халқ ҳофизи Қобилжон Юсупов 1942 йил 20 маусим Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги Жўрак қишлоғидаги дәхқон оғизисида туғенди.

Қобилжон Юсупов санъатга жуда эрта меҳр қўйган Гарши, унинг оғизисида санъаткорлар бўлмаса-да, яқинлари санъатсевар шинавандя бўлнишади.

Олтиариқ туманидаги 1-ўрта мактабни тутатгач, 1963 йилги Мирзо Уғрибет номидаги Фарғона Давлат педагогика институтининг тарих факултетига ўқунишга кирди. Бу билим даргоҳини имтиёзли тамомлаб, 1968 йилги Олтиариқ, унинг маданият уйида хонаида сифатида меҳнат фаодиятнинг бошлари.

1976 йили «Марҳабо, талантлар» фестивал кўрик-тандокининг юлдибди бўйичи республика миқёсида халқ қўшиқдарининг моҳир ижрочи хонаида сифатида донги кетди. Ана ўша даврдан бошлаб, Қобилжон Юсуповнинг ишлари анижа гуллаб яшнади.

Қобилжон Юсупов жуда кўп ашула ва қўшиқлар ижрочиси бўйни билди бирга, мумтоз асарларни қўйлаб, бастакорлик соҳасида ҳам ижоратни да таҳи лаган ашула ва қўшиқларниң сони ҳозирги кунга қадар «Эздан ғаниб ёсти», «Дўст билан», «Ошнолар бўлди жамъ», «Хатларим етмаесмиш», Ўзбекистон тинг», «Лолазор» каби эл олқишига сазовор бўлган қўшиқларни оғизида оғизида дандир.

Унинг овозидаги ёрқинлик, ҳиссиятлilik ҳар қандай анижада ишлаб чида да ўзига ром этади. Қобилжон Юсуповнинг овоз кўлами таъсирини оғизида каби кент бўлмаса-да, ўзига хое таъсиридан драматик генортири «С. Абдуллоев», яъни батан кам ҳарақатчан, тенор овозларининг қуюқ турни каби таъсири оғизида таърифланади.



Ўзбекистон халқ ҳоғизи К. Юсупов.

Қобилжон Юсуповнинг ижро амалиётидаги талаффузининг аниқлиги ва ҳар бир ҳарфнинг ёрқинлиги билан ажralиб туради. Унинг ижро дастури кенг бўлиб, ҳар хил мавзуга онл шеърлардан танланган. Мумтоз адабиётдаги газал бўладими ёки бармоқ вазнида ёзилган шеър бўладими, барчасига жиддий ёндашиб, мөхирона мусиқа басталаган.

1978—1988 йилларда Фарғона Давлат филармониясида солист бўлиб ишлаган.

1988 йили ҳукуматимиз томонидан «Ўзбекистонда хизмат кўrsатган артист» унвонига лойик топилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан, Президентимизнинг ташаббуслари туфайли 2004 йили Қобилжон Юсупов «Ўзбекистон халқ ҳоғизи» унвони билан тақдирланди.

Ҳозирги кунда Қобилжон Юсупов нафақада бўлса-да, ўз шогирдаларига, бўлажак хонандаларга астойдил таълим бериб келмоқда.

Ҳасан Ражабий



Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий 1942 йил 22 июлда Тошкент шаҳрида машхур созанда, хонанда, бастакор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, академик Юнус Ражабий оиласида дунёга келди.

1961 йил ўрта мактабни битириб, Тошкент Давлат университети филология факультетининг кечки бўлимига ўқишига кирди. Кундузи мактаб кутубхонасида икки йил давомида ишлаган.

1963 йилдан бошлаб, Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртининг халқ чолғу асбоблари бўлимига танбур мутахассислиги бўйича ўқишига кириб. билим масканларининг ҳар иккисини 1967 йилда муваффақиятли тугатди. Шу йилнинг ўзида Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг мусиқа бўлимига илмий ходим сифатида ишга қабул қилинди.

1968 йили ҳарбий хизматга чақирилди. У ерда катта сержант Икромжон Бўронов бошчилигига тузилган ҳарбий ансамблда созанда ва хонанда сифатида хизмат қилган. Мазкур ансамбл Ўзбекистондаги барча ҳарбий бўлинмаларда хизмат бурчини ўтаётган аскарларга концертлар берар эди. Шу билан бирга Ўзбекистон телевидениеси орқати ҳам тез-тез дастурлар билан чиқиб, гўзал ижролари билан халқ орасида танилди. Ансамблнинг ижро дастури жуда кенг бўлиб, ундан ўзбек, рус, араб, ҳинд, афғон ва бошқа халқларнинг куйлари ўрин олган эди.

Ҳасан Ражабий танбурда ўзбек халқ мумтоз асарларининг якка ижросидан ташқари, ўзбек халқ ижодидан рақс гуруҳидаги раққосалар учун шўх ашулаларни айтган. Икромжон Бўронов бошчилигидаги ансамблда Анвар Тилланазаров, Қаҳрамон Комилов, Муҳаммаджон Шокиров сингари истеъододли санъаткорлар ҳам бор эди. Шунинг учун ҳам бу ансамбл бир йил ичida халқ ансамбли деган шарафли номга сазовор бўлди.

1969 йил Ҳасан Ражабий ҳарбий хизматдан қайтгач, яна ўз иш жойига қайтди. Бир тарафда институтда илмий иш устида фаолият олиб борса, иккинчи то-

мондан Ўзбекистон телерадиокомпанияси орқали бериладиган концертларда тез-тез қатнашиб туралдиган бўлди. Шайхонтохур туманидаги маданият уйинда «Баёт» ансамблини тузиб, унга раҳбарлик қилди.

1966 йилда илк бор ўзи электротанбурни ихтиро қилиб, ҳалқа танилган эди. Шу иили Ўзбекистон Давлат филармониясининг ҳалқ чолғу оркестрига танбурчи сифатида ишга қабул қилинди. Кўплаб хорижий ва МДҲ мамлакатларида бўлиб қайтди.

Отасининг овозига ўхшаш ёқимли, юмшоқ эшитимли, «бас-баритон» нафаси билан танбур жўрлигига мумтоз асарларни маҳорат билан кўйлади. Умум-



Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи
Ҳасан Ражабий.

ҳалқ миқиёсида ўтказиладиган катта концертларда санъат ихлюсмандлари хизматидаги бўлди. Йиллар ўтгач, самараати меҳнати эвазига элга ҳам созанда, ҳам хонанда сифатида танилди.

1975 йили «Билим» жамиятида Ҳасан Ражабийнинг «Шеърият ва мусиқа» рисоласи чоп этилди. 1973—1977 йиллар у отаси Юнус Ражабий нашр эттиришга ултурмаган «Мусиқа меросимизга бир назар» деб номланган 12 жилдли қўлёзмани нашр этиш учун тайёрлаб, санъатшунослик институти раҳбарлари Исоқ Ражабий, Файзула Кароматов ва мусиқашунос олим Отаназар Матёқубов билан биргаликда китобнинг таҳририда қатнашли. Китоб 1978 йилдаFaфур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этирилди.

Мазкур мусиқашунос олимлар билан отасининг китобини таҳрир этиш чогида Ҳасан Ражабийнинг мусиқашунослик илмига қўли келиб қолган эди. Айни ўзу вактдан бошлаб у «Ўзбекистон санъати» журнали ва республикамизнинг турли матбуот нашрларида мусиқа санъатининг ривожига бағишланган ва бошқа турли хил мавзудати мақолаларни чоп этирди. Жумлазан, «Шашмақом боқий мулк», «Сўз гўзаллиги», «Мақомга имкон беринг», «Отам ҳакида», «Бағринг тўла наво сенинг», «Мозийдан келган садо жилолари» каби мақолалари дикқатга сазовордир. Устози Турғун Алиматов ҳақидаги «Бағринг тўла наво сенинг» мақоласи «Ўзбекистон санъати» журнали томонидан 1981 йилда ўтказилган «Энг яхши мақола» кўрик-танловида ғолиб, деб топилди.

1975—1996 йиллар мобайнида Ҳасан Ражабий Ўзтелерадио компанияси қошидаги мақомчилар ансамблida аввал 10 йил созанда, кейин 11 йил хонанда сифатида ишлалди. У отасидан олган сабоқтарини кейинчалик мазкур мақомчилар ансамблida жорий этди. Отасининг сафдошлари Фахриддин Содиков, Ориф Қосимов, Коммуна Исмоилова, Берта Давидова, Фаттоҳон Мамадалиев, Орифхон Хотамов, Ориф Алимаҳсумов, Сирож Аминов, Умар Отаев, Турғун

Алиматов қаторида ёнма-ён ишлаб, улардан катта сабоқ олди. Мумтоз мусиқа санъатидан ўзи учун янги қирраларни очди.

Ҳасан Ражабий Шарқ, Farb халқлари санъатининг дурдона асарларини юксак баҳолашга интилади, тан беради ва қадрлайди. У ижро этган ўнлаб халқ ашулатари «Сайёра», «Баёт», «Сарахбори Дугоҳ тароналари», «Қаро кўзим», «Кошки», «Куйтай», «Ушшоқ қашқарчаси», «Талқини баёт», «Алойи ва Асири», «Гиря 1—2», «Муножот 1—2», «Сегоҳ», «Ёввойи тановор», «Топмадим», «Дугоҳ Ҳусайниний», «Куйла дилкаш доторим» каби халқ ашулатари ва шунинг билан бирга мақомчилар ансамбли хонанада-созандалари билан ҳамнафасликда 21 йил мобайнида чалган ва айтган 100 дан ортиқ мақом туркум асарлари нинг ижролари Ўзтелерадио компаниясининг олтин хазинасидан ўрин олган. Унинг ижросида ёзиг олинган ашулатар, граммпластинка дисклари, аудио, видео диск ёзувлари, нафақат, юртимизда, балки хорижий давлатларга ҳам тарқатилмоқда.

«Ўзбекистон санъати» журналиниң 1991 йилдаги 7-сонида ўзбек миллӣ хонандалик санъатининг энг машҳур ўнлигини аниқлаш мақсадида «Сиз ёқтирган қўшиқ» деб номланган хит парадида муштариylар ўртасидаги мусиқа шинавандаларнинг баҳосига қараб белгиланган 10 нафар энг номдор ўзбек ашулачилари рўйхати қаторида Ҳасан Ражабийнинг дастлабки ўринларда туриши ҳам бежиз эмас.

Ўзбек ижрочилик санъатини у чет элларда ҳам муваффақиятли тарғиб этиб, Хиндистон, Германия, Туркия, Хитой, Тайванда ўтказилган халқaro фестивалларда қатнашди. 1977 йилдан бери Ҳасан Ражабий «Ўзбек театр» уюшмаси аъзоси. 1989 йилда Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансемблида ишлаб юрган даврида «Меҳнат фахрийси» медали билан мукофотланди. Ўзбек халқ мусиқалари ва мақомларини ижро этишда кўрсатган маҳорати учун 1990 йили «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвонига биринчилар қаторида Фаттоҳон Мамадалиев, Очилхон Отаконов. Одилжон Юсуповлар билан бирга сазовор бўлди. 1996 йили унга Ўзбекистон бадиий академиясининг санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг фахрий доктори унвони ва дипломи берилди. 1997 йили «Дўстлик» ордени билан мукофотлади. Ҳасан Ражабий 1993 йилдан бери отаси академик Юнус Ражабийнинг уй музейи раҳбари сифатида тинмай меҳнат қилиб, миллӣ ижрочилик анъаналарини моҳир намоёндаси, мусиқа санъатимизнинг жонкуяр тарғиботчиси сифатида кент оммага маълум.

2007 йилда отасининг 6 жилли «Шашмақом» китобини қайта нашрга тайёрлаб, ЮНЕСКО ташаббусида унинг бир жилли катта салмоқли китоб шаклига келтириб, қайта нашр эттирилишида жонбозлик кўрсатди. «Шашмақом»нинг Брайл нашри (кўзи ожизлар учун ёзув имлоси ва нотаси) тайёрланишида Ко-милжонқори Сайдовга тўлиқ ижро ёзувлари ва фойдали маслаҳатлари билан ўз ҳиссасини кўшди.

Ўзтелерадио орқали суҳбатли концерт дастурлари билан доимо қатнашиб келяпти. Шу билан бирга халқимиз учун ўзининг янги ижро ёзувларини тақдим этиш ниятида тинмай изланишлар олиб бормоқда.

*Исмоилжон
Ваҳобов*



*Исроилжон
Ваҳобов*



Ўзбекистон халқ ҳофизи Исмоилжон Ваҳобов Андижон вилоятининг Чинобод шаҳарчасида 1949 йил 19 январда таваллуд топган.

У ёшликтан мусиқага ихлос билан назар солиб, укаси Исроилжон Ваҳобов билан биргаликда, яъни жўрнавозликда кўйлаш сирларини ўрганди. Мактабда ўқиб юрган даврлариданоқ туман, вилоят ва республика кўрик-танловларида фаол қатнашиб, муносиб совринлар ва нуфузли ўринларни укаси Исроилжон Ваҳобов билан ҳамнафасликда қўлга киритиб келган.

У жўрнавозликда мумтоз ашулалар, мақом шўйбалари, замонавий қўшиқлар, Шарқ халқтарининг ижро намуналарини қўйлаб, Ўзбекистон радиоси олтин хазинаси учун магнит тасмасига ёзиб қолдиришдек хайрли ишларни амалга оширишиди.

Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабийдан мақом сирларини ўрганди. Ҳофизлик услублари, анъанавий ижрочиликнинг сир-асрорларини, шунингдек, «Шашмақом»даги доира усусларини мукаммат ўзлаштириди. Шу боис Исмоилжон қўлида доира жўрлигига энг мураккаб мақом шоҳобчаларини чалиб, кўйлай оладиган лаҳинпардоз мутанний рутбасига эга бўлган моҳир жўрнавоз ҳофизидир.

Ака-ука Ваҳобовларнинг овозлари, гарчи, руҳияти, тембри ҳамда туслари билан бир хил бўлмаса-да, драматик тенор бўлиб, нафис ва жозибордир. Бундай овоз соҳибларининг барча регистр пардалари тўлиқ, авжга интилган сари жарангдорлиги ошади, аммо нозиклашмайди.

У Исроилжон билан биргаликда санъатимизнинг буюк даргалари Фаттоҳхон Мамадалиев, Ориф Алимаҳсумов, Фахриддин Содиков, Коммуна Исмоилова, Турғун Алиматов каби устозлардан ўрнақ олди. Улардан мумтоз мусиқа сирларини ўрганишди. Франция, Эрон, Афғонистон каби қатор хорижий ва ҳамдўстлик мамлакатларида ўзбек мусиқа санъатининг ноёб намуналарини таррнум этишган.

1986 йилда Исмоилжон Ваҳобов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди.

Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, 1999 йили унга «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвони берилди.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Истроилжон Ваҳобов Андижон вилоятининг Чинобод шаҳарчасида 1951 йил 19 январда таваттуд топган.

1967 йилда акаси ва жўрнавози билан бирга Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга кириб. 1973 йили муваффақиятли тамомлаган. Истроилжон Ваҳобов акаси Исмоилжон ҳарбий хизматдан қайтгач, 1975 йилда Ўзтелерадиокомпанияси қошидаги Юнус Ражабий номли мақомчилар ансамблига ишга қабул қилинди.

Истроилжон Ваҳобов хонанда бўлиш билан бирга ашулага куй басталашта, қўшиқ яратишга иштиёқи баланд бўлганилиги учун буюқ созанда ва бастакорлар Фахриддин Содиков, Иброҳим Ҳамроевлардан гаълим олди.

Истроилжон Ваҳобов яратган ашуладарни, нафақат, уларнинг ўзлари, балки ансамблдаги хонандалар ва ёш истеъодлар ҳам севиб ижро қилишди.

1986 йилда Истроилжон Ваҳобов «Ўзбекистонла хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлган. Ҳофизликни ҳамнафасликдаги услубларини пухта эгаллаган Истроилжон Ваҳобов Осиё, Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари мусиқашуносларининг ҳалқаро анжуманлари ва «Шарқ гароналари» ҳалқаро мусиқа фестивалларида фаол иштирок этиб, ўз сози ва овози билан миллатимиз санъатини кўз-кўз қила олди.

У акаси Исмоилжон билан ҳамкорликда яратган юзлаб замонавий асарларни куйлаб, муҳтислар орттиризди. «Шашмақом» шўйбалари ва шоҳобчалари, Тошкент—Фарғона мақомларидан намуналарни ижро этиб, эт ҳурматнига сазовор бўлди.

Истроилжон Ваҳобов 1996—1999 йилларда Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблига бадиий раҳбар сифатида етакчилик қилти. Бу даврда мақом ансамбли кўплаб гастрол-концертларда бўлиб, мумтоз санъатни кенг оммага тарғиб этилди. Кўплаб унутилган мақом шўйбалари қайта тикланди ва магниттасмаларига ёзилди. Мақом ва унинг ижрочилари ҳақида кўплаб телекўрсатувлар ҳамда видеофильмлар яратилди.

Истроилжон меҳнат фахрийси нишондори сифатида ҳамнафас бўлиб, ҳозиргача баралла куйлаб, ҳалқимизга хизмат қилиб келмоқда. Президентимизнинг Фармонига биноан, 1999 йили унга «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвони берилган.



Ўлмас
Сайджонов



Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Сайджонов 1951 йил 10 январда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида таваллуд топди. Ўрта мактабни тугатиб, Қарши Давлат педагогика институти ҳамда Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг гидромелиорация факультетини тугатди.

1974 йилдан бошлаб, ёш мутахассис то 1994 йилгача касби бўйича фаолият олиб борди. Зеро, санъат ҳаётининг ҳар бар дамида унга ҳамроҳ ва фаолиятини илҳомлантирувчи куч сифатида қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаб келди.

Ўлмас Сайджонов олийгоҳда ўқиб юрган кезларидаёқ, мумтоз мусиқа санъатининг бетакрор оҳанглари, маънавий салоҳияти, битмас-туганмас меросни идроклашга ҳаракат қилди. Мусиқий мерос анъанасини устоз санъаткорларнинг хонишлиридан ўрганишга ва уларга тақлид қилишга ҳаракат қилди. Ўлмас Сайджоновнинг хонандаликка бўлган иштиёқи ва ундаги истеъодод санъат оғушига етаклаб, ижрочилик сирларини ўзлаштириб борди. Касби мелиоратор бўлса-да, санъат унга доимо ҳамроҳ, истеъододининг меваси сифатида ҳаёт мазмунига айланди.

1972 йил Ўлмас Сайджоновнинг ҳаёти унутилмас воқеаларга бой бўлди. Айнан шу йилдан бошлаб, ашула айтиб, муҳлислар қалбидан жой ола бошлади. Шу йили бўлиб ўтган «Марҳабо, талантлар» республика кўрик-танлови санъатда эришилган самаранинг илк қадами сифатида муҳрланди ва катта санъат йўлида фаолият олиб бориш учун улкан умидлар сарчашмасини очиб берди. Фаолияти давомида у мунтазам тарзда ижрочилик фаолиятини ҳам олиб борди. Оммавий маданий тадбирларда ўз чиқишилари билан қатнашиб келди. Халқимиз кўз ўнгига манзурнафас ҳофиз сифатида шаклланди.

1994 йилдан эътиборан, Ўлмас Сайджонов ўзбек миллий мумтоз хонандалик санъатининг чинакам вакили, фидоийси бўлиб, элга танилди. Муҳиддин Қориёқубов номидаги академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси раҳбари сифатида фаолият олиб борди. Шу билан бирга, дирекция қошида ўзбек мумтоз мусиқасини асрраб-авайлаш ва муносиб тарзда тарғиб этиш мақсадида «Мум-

тоз» ашула ансамблини ташкил этди. Ансамбл раҳбари сифатида мумтоз мусиқа меросимизнинг асоси бўлган мақом ва мақом йўлидаги мусиқий намуналарни муносиб ўзлаштирган ҳолда мухлислар эътиборига ҳавола қилиб, самарали фаолият олиб боряпти. Ансамбл Фарғона—Тошкент мақомлари, Хоразм мақомлари ва «Шашмақом» намуналаридан ташкил топган юқори савиядаги ижролар билан ранг-баранг концерт дастурларини намойиш этиб келмоқда.

Ўлмас Сайджоновнинг концерт ижрочилик тарғибот сарҳадлари жуда кенг. Ўзбек мумтоз мусиқа санъатини, нафақат, республикамида, балки жаҳон миқёсида намойиш этишига муваффақ бўлиб келяпти. Жумладан, Франция, Германия, Белгия, Туркия. Хитой каби дунё таамдунида ўз салоҳиятига эга бўлган мамлакатларда ҳам мухлислар Ўлмас Сайджоновнинг хонандалик маҳоратидан баҳраманд бўлишаётир.

Ўлмас Сайджонов «Софиниб», «Эй, сабо», «Сўроқлар», «Беминнат», «Сарбон ўтмоқда», «Иймон азиз», «Ёр истаб ва Мустаҳзод», «Онажоним», «Парво этиб кет» каби мумтоз мусиқамиз меросидан ўрин олган сара намуналарни қўйилмақом ижроисига айланди. Фаолияти давомида ижро этган ашулалари Ўзбекистон телерадио компаниясининг олтин хазинасидан муносиб жой олган.

Юртимизнинг азиз байрамлари — «Мустақиллик», «Наврӯз» каби республика миқёсида ўтказиладиган умумхалқ тадбирларида, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалларида Ўлмас Сайджонов раҳбарлик қўлиб қелаётган ижодий жамоалар ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб қелаётир.

Ўлмас Сайджонов бетакрор хонанда, ардоқли санъаткор Маъмуржон Узоқовнинг муносиб ва содик издоши сифатида ўзига хос шон-шуҳрат эгасига айланди. Айни пайтла ўзи ҳам эл таниган Ўлмас Оллаберганов, Муҳсин Мўминов, Аслиадин Дўстов, Бобур Кенжаев, Зариф Азизов, Ойбек Жалилов, Фурқат Ашуратиев. Элмурод Аҳмедов каби ўнлаб шогирдларнинг устозилари.

Ўлмас Сайджонов ташаббуси билан ёшларни тарбиялаш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш, устоз санъаткорлар санъатини мукаммал ўргатиш мақсадида ҳофиз Маъмуржон Узоқов номидаги республика ёш хонандалар кўрик-танлови ташкил қилинди. Кейинчалик ўзбек санъати даргалари Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов номидаги танловлар ҳам Ўлмас Сайджонов бошчилигида муваффақиятли ўтказилди.

Хукуматимизнинг эътибори, эътирофи ва эҳтиромига сазовор бўлган Ўлмас Сайджонов «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвони, «Фидокорона хизматлари учун» ордени ҳамда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг маҳсус дипломи билан тақдирланган.



*Маҳмуд
Йўлдошев*



Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуд Йўлдошев 1953 йил 11 августда Андижон вилоятининг Избоскан туманида ишчи оиласида туғилган. Бошланғич таълимни Избоскан туманидаги 29-мактабда олди. Ёшлигидан мусиқа ва ашула айтишиштиёқи баланд бўлганлиги учун Пахтаобод туманидаги мактаб-интернатга ўқишга кирган. У ерда етук созанда Ҳайдар Раҳимов қўлида гижжак чалиш билан биргаликда хонандалик сирларини ҳам ўргана бошлади. Мактаб ёшидан дала маҳнаткашларига якка ўзи концерт берди.

1969 йили мактабни тутатиб, Андижон шаҳридаги Тўхтасин Жалилов номли мусиқа билим юртига ўқишга кирди. Ўқиш давомида кўп устозлар қўлида санъатнинг сир-асорларини қуент билан ўрганди. Шу даврда андижонлик машҳур созанда, хонанда ва бастакор Фуломжон Ҳожиқулов ўйтларидан, Ўзбекистон халқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиевдан ашула айтишнинг нозик сирларини ўрганди. Ўқишни тамомлаб, 1973 йилдан 1987 йилгача Андижон Давлат филармониясида маҳнат қилди.

1987 йилда Маҳмуд Йўлдошев Ўзбекистон халқ артисти, буюк санъаткор Фанижон Тошматов тавсияси билан Ўзтелерадиокомпанияси қошидаги Юнус Ражабий номли мақомчилар ансамблига ишга таклиф этилди. Бу ерда устозлар Ўзбекистон халқ ҳофизлари Орифхон Хотамов, Очилхон Отаконов, Эсон Лутфуллаев, Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова, хонандалар Жўрахон Раҳимов, Шокиржон Эргашевлардан ижрочилик сир-асорларини қуент билан ўрганди. Узар билан бир сафда туриб, ашула айтиш масъулиятини ҳис қила бошлади.

Якка ижролари таҳсинга лойиқ, Овозидаги маюслик, дардлилик билан бир қаторда чапанилик, серғайратлилик — асар ва ижро савиясининг етуклигини кўрсатади. Овоз кўламининг кенглиги айнан мақом ижросига мос келиб, драматик тенор туридир.

Маҳмуд Йўлдошевнинг ижро дастуридан ўрин олган йирик асарлар билан бир қаторда, дардли, ёниқ ашуналар ҳам бор. Унга табиат ато этган овозга барча

хонандаю созандалар ҳавас қылса арзиди. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Йўлдошевга кўлчилик устоз санъаткорлар юзланиб, унинг овозига мос келадиган ашуулаларни топиб ёки басталаб ўргатишга ҳаракат қилишади. Албатта, яратилган ашууланинг муваффақияти унинг ижрочисига ҳам боғлиқ бўлади. Ўзбекистон ҳалқ артисти, моҳир созанда ва бастакор Абдуҳошим Исмоилов яратган асарларнинг энг сараларини ижро қилиб, магнит тасмаларига ёзди. Шу кунгача Ўзтелерадиокомпаниясининг олтин хазинасида 100 дан ортиқ Маҳмуд Йўлдошев ижросидаги ашуулалар бор. Бундан ташқари вилоятлар бўйлаб концерт сафарларида кўп бор иштирок этган.

2006 йили Муҳиддин Қориёқубов номидаги академик ва ҳалқ бадиий жамоалари дирекцияси қошидаги «Мумтоз» ансамблига ишга таклиф этилди. Ҳозирги кунга қадар ёш хонандаларга устозларидан ўрганган миллий бойликнинг ижро маҳоратини ўргатиб келмоқда.

2000 йили Маҳмуд Йўлдошевнинг хизматлари инобатга олинниб, Президентимиз Фармонига кўра, «Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи» унвони билан тақдирланди. Ҳалқимизнинг ўлмас дурданалари бўлмиш «Насруллоий», «Насри ўз зол», «Чапандози Ироқ», «Мустаҳзоди Наво», «Савти Сарвиноз» каби йирик ва ижроси мураккаб бўлган мақом шўъбаларини магнит тасмаларига ёзган. Маҳмуд Йўлдошевнинг дардли, куйик ва кенг кўламли овози ноёб ҳисобланиб. келгуси авлодлар учун унинг ижросидаги асарлар ўз қадр-қимматини йўқотмайди.

Маҳмуд Йўлдошев ҳозирда 5 фарзанднинг отаси, 13 набиранинг бобоси. Унинг фарзанди Абдулло Йўлдошев санъатга ошнодир. Ҳозирги кунда унинг ҳам ўзига яраша кўплаб ашуулалари мавжуд.



*Бекназар
Дўстмуродов*



Ўзбекистон халқ ҳофизи Бекназар Дўстмуродов 1957 йил 15 июнда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги Қорасув қишлоғидаги ишчи оиласида туғилган. Ёшлиқ чоғидан санъатни севди. Унга эришиш йўлида кўп меҳнат қилиди. Туман ва вилоят кўрик-танловларида голиб бўлди. 1974 йили Алишер Навоий номидаги 40-ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Давлат театр ва рассомчилик санъати институтига ўқишга кирди. Мусиқали драма бўлимида ҳам актёрлик, ҳам хонандалик сирларини ўрганди.

Ўқиши 1979 йил тугатиб, Аброр Хидоятов номидаги театрга ишга чақирилди. У театрда бир нечта роллар ижро этди ва концертларда мунтазам қатнашди. У Муқимий номидаги мусиқали драма театрида ҳам бир қанча ролларни ижро этди. «Хонима хоним» (Хугаев асари), «Хотинимнинг эри», «Тобутдан товуш» (Абдула Қажхор) спектаклларида катта ва кичик ролларни яратган.

Асли Бекназар Дўстмуродов ёшлигидан мақомдон хонанда бўлиш орзусида юрар эди. Унга табиатан ато этилган овоз тури лирик тенор бўлиб, кенг кўламли, айнан мақом ижрочилигига хосдир. Барча орзулари рўёбга чиқиб, 1988 йилдан бошлаб, Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблига хонанда сифатида ишга қабул қилинди. Бу ерда кўплаб устозлардан сабоқ олди. Хонандалик борасидаги малакасини ошириди.

Ўзбекистон халқ ҳофизлари Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Эсон Лутфуллаев, Қувондик Исқандаров, Ўзбекистон халқ артистлари Фанижон Тошматов, Абдулоҳим Исмоиловлардан хонандалик сирлари ва кўплаб ашулаларни ўрганди. «Сараҳбори наво», «Сараҳбори Сегоҳ», «Сараҳбори Оромиҷон», «Чапандози Гулёр», «Гулузорим», «Эй, куёш», катта ашулалардан «Ёввойи Чоргоҳ», «Боғ аро», «Бир келсун», «Кириб бўстонни кездим», «Ўзбекистон», «Нечун қуллук қилмай Ўзбекистонга», «Ватан ягонадур», «Сайёра», «Санамо», «Сарви қомат», «Диёр исми», «Талқинчай мустаҳзоди наво» каби кўплаб мумтоз ашулаларни ижро этиб, Ўзтелерадиокомпаниясининг олтин хазинасига муҳрлаган.

Бекназар Дўстмуродов ашулаларни ўзи яратмаган бўлса-да, ижро дастуридан ўрин олган етук бастикорлар асарларининг барчаси тўлақонли, моҳирона ижро этилган. Унинг ўзигагина хос ижро услуби устозлари ёки бошқа сафдош хонандаларда учрамайди. Бу сифат ҳам хонанданинг юксак маҳорат эганлигидан далолат беради.



*Бекназар Дўстмуродов ақа́-ука Ҳотамовлар
(Орифхон Ҳотамовнинг ўтилари) билан.*

Унинг ижрочилик маҳорати, нафақат, ўзбек халқи, балки хорижий мусиқа шинавандалари эътиборини тортди. Шу сабабли кўплаб чет давлатларда ижолий сафарларда бўлди. Жумладан, Америка, Ҳиндистон, Франшия, Хитой, Миср, Туркия, Англия ва М.ДХ каби 20 дан ортиқ давлатларда ўз санъатини намойиш этиб, мумтоз санъатимизнинг буюклигини оламга кўз-кўз қилди.

Барча хизматлари инобатга олиниб, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвони берилди. Бу масъулиятини сезган Бекназар Дўстмуродов мамлакатмизда бўлиб ўтадиган оммавий тадбирлар, байрам концерtlари, «Мустақиллик» ва «Наврўз» тантаналарида мунтазам иштирок этиб келмоқда.



Фарҳод
Давлетов



Ўзбекистон халқ ҳофизи Фарҳод Давлетов 1957 йил 18 ноябрда Хоразм вилоятининг Хива туманида ишчи оиласида туғилган.

1965—1975 йилларда 3-ўрта мактабда таълим олган. Санъатга бўлган қизиқиши уни турли мусиқий тўтарак ва мусиқа мактабларида ўқишга етаклади. У 1976—1978 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган. Ҳарбий хизматдан қайтгандан сўнг, икки йил давомида санъатга дахли бўлмаган ҳар хил ишларда меҳнат қилган.

1980 йили Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтига ўқишга кирган. Орада оила қурган, фарзандли бўлгандан сўнг, Фарҳод Давлетов институтининг сиртқи бўзимини тамомлаган Шу даврда Хорағзмнинг етук санъаткори, Ўзбекистон халқ ҳофизи Рўзмат Жуманиёзовдан мумтоз хондалик сирларини қунт билан ўрганган.

1980 йилдан бўён Хива туман ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бўлимида ишлиб келмоқда.

1987 йилда Юнус Ражабий номидаги мақомчилар кўрик-танловида қатнашиб, голибликни қўлга киритган. Бу кўрик-танловга тайёргарлик жараёнида Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими Матрасул Матёкубовнинг меҳнати катта бўлди. Фарҳод Давлетов ижро этган Хорағзм мақомлари, Суворийлар ва «Шашмақом» намуналари тингловчиларни ром этган.

Унинг овозидаги тўлиқлик бошқа хонандаларда учрамайди. Овози драматик тенор бўлса-ла, юқори ва пастки пардалари бирдек жарангдор. Камалакни кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, унда инсоннинг онги идрок эта оладиган ранглардан етти хил мавжуд. Фарҳод Давлетовнинг овозини камалакка қиёслайдиган бўлсак, унда ўша етти хил рангдан ташқари инсон кўзи билан кўриб, онги ва тасаввури илғай олмайдиган ранглар ҳам мавжудлигини сезамиз. Яъни, овозида тўрт-беш ҳил овозли хонандалар бирваракайига ҳамнафас бўлиб, ижро этаётгандек бўлади.

Табиат ато этган бу ноёб овоз соҳибининг ижро маҳорати ҳам асл Хива мактабига мансубдир. Маълумки, Хива қадимий Хорағзмнинг пойтахти бўлиб, энг сара санъаткорлар йигилган маскандир. Тарихга мурожаат этадиган бўлсак

ҳам, ҳар вақт марказга ўз касбининг энг маҳоратли инсонлари йигилади. Хива ҳам айнан энг маҳоратли мусиқачиларнинг маскани ҳисобланган. Эшвой баҳши, Полли Дўзчи, Қаландар Дўнмас, Бола баҳши каби кўплаб хонандаларнинг шахри бўлган. Фарҳод Давлетов ҳам ана шундай муҳитда вояга етган хонандадир. Унинг ота-боболари ҳам хонанда бўлиб, Ота Ших, Давлат Шихлар авлодидан. Бу сулоланинг негизини суриштирадиган бўлсак, жуда қадимдаги машхур сарой хонандаларга бориб тақалади.

Фарҳод Давлетов шу даврдан бошлаб, ҳалқ дилига ёқадиган ашулаардан ижро этиб, аста-секин танила бошлади. Сувора ва мақомларни маромига етка-зиз ижро этиш баробарида шўх яллаларнинг маҳоратли ижроисига айланди.

Унинг довруғи вилоятдан республика миқёсига чиқди. Энди Фарҳод Давлетовнинг хонишларини бутун Ўзбекистон мароқ билан тинглаб, томоша қила бошлади.

1995 йилда Қозогистон Республикасида ўтказилган Ўзбекистон кунларида қатнашиб, «Қозогистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди.

Фарҳод Давлетов кўплаб маданий тадбирларда ҳалқ хизматида бўлди, умум-ҳалқ байрамларида ўзининг гўзал ижролари билан барчани бирдек баҳраманд этди. Унинг барча хизматлари ва иқтидори назарда тутилиб, 2001 йили мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Ҳозирги кунда ҳам ҳалқимизга сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Оилада беш фарзанднинг отаси. Фарҳод Давлетовнинг ўғли Севдиёр ҳозирги кунда Тошкент Давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик бўлимида таҳсил олмоқда.



*Ma'mudjon
Tojiboev*



Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуджон Тожибоев 1957 йил 25 ноябрда Фарғона вилоятининг Кува туманидаги Болалик Қайрағоч қишлоғида оддий деҳқон оиласида таваллут топган. Шу қишлоқдаги Ҳамза номли ўрта мактабни тутатиб. Тошкент маданий оқартув техникуми (ҳозирги маданият ва санъат колледжи)га ўқишга кирди.

Техникумни муваффақиятли тамомлаб, 1979 йили Тошкент Давлат консерваториясининг Шарқ мусиқаси бўлимига ўқишга қабул қилинди. Ўқиш давомида Маҳмуджон Тожибоев танбур чоғусида Турғун Алиматов, хонандаликда Ориф Алимаҳсумов ва Фатоҳон Мамадалиев каби етук устозлардан мақом ижрочилиги сирларини пухта ўрганди.

1983 ва 1987 йилларда бўлиб ўтган Юнус Ражабий номидаги республика мақомчилар кўрик-танловида голиб бўлди. Маҳмуджон Тожибоевнинг овозида ги жасурлик, марлонаворлик, ижро дастуридаги асарларни тўлақонли кўйлаши етук хонанда эканлигини намоён этди.

Овоз кўлами нишбатан кенг бўлмаса-да, усталик билан овоз имкониятларини барадла кўреатиб бериш қудратига эга. Европа ўлчовларида Маҳмуджон Тожибоевнинг овози лирик баритон бўлиб, унинг пастки қисмлари тўлиқ, юқори регистрининг мукаммал ижроси билан барчани ҳайратда қолдиради. Ижро дастуридаги асарларининг кўплиги ва барча ашулаларнинг мукаммал ижроси, нафақат, шинавандлар, балки шу соҳада ижод қилаётган санъат аҳлигининг ҳам олқишига сазовор бўлади.

1984 йили ўқишни муваффақиятли тамомлагач, Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблига ишта тақтиф қилинди. Радиодаги фаолияти давомида у кўплаб устозлардан мақом сирларини пухта эгаллади. Хусусан, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Орифхон Хотамов, Очилхон Отаконов каби устоз санъаткорлар Маҳмуджон Тожибоевга ўз билим ва малакаларини улашдилар.



Сойибжон
Ниёзов



Ўзбекистон халқ ҳофизи Сойибжон Ниёзов 1969 йил 28 октябрда Бухоро вилоятининг Олот туманида ишчи оиласида туғилган. 1980 йили Олот туманидаги мусиқа мактабига ўқишга кириб, 1985 йили муваффақиятли тугатди. Шу йили Бухоро мусиқа билим юртига рубоб сози бўйича ўқишга кирди. Бу ерда етук мутахассис, мақомлар билимдони Ари Бобохонов синфида таҳсил олди.

1989 йилда ўқишни тамомлаб, бир йил давомида Олот мусиқа мактабида дарс берди ва консерваториянинг кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўрди.

1990 йилдан бошлаб, Тошкент Давлат консерваториясида анъанавий ижрочилик (хонандалик) мутахассислиги бўйича таҳсил олди. Консерваторияда устози Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Расуловдан мақом сирлари ва ижрочилик амалиётини пухта ўзлаштириди.

Устоз Ўлмас Расулов, гарчи, хонанда бўлмаса-да, хонандалик овозини тоблаш, чиниқтириш каби амалларни тўлиқ идроклайди. Ҳатто бирон бир хонанданинг ашула айтганини эшитмай, фақат гапиришидан унинг овози қандай турга мансублиги ҳақида маълумот бера олади. Унинг хонанда шогирдлари жуда кўп. Жумладан, умр йўлдоши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Самандарова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Рустам Абдуллаев, Насиба Сатторова каби етук хонандалардир.

Сойибжон Ниёзов ҳам Ўлмас Расуловнинг хос шогирдларидан. Устоздан овоз ишлатиш, садолантириш, сақлаш каби сирларни ўрганиш баробарида асаларнинг маҳоратли ижроси, турли воҳаларга хос шева талаффузи каби кўплаб билимларга эга бўлган. Шу боис бўлса керак, Сойибжон Ниёзов қайси воҳага мансуб ашула ижро қилса ҳам, ўша воҳага хос талаффуз ва овоз меллизмларини ишлата олиш маҳоратига эга. Мисол учун «Шашмақом» шўйбаларидан биронтасини ижро қилса — Бухоро шевасида, Суворийларни ижро қилса — Хоразм шевасида, Фарғона—Тошкент мақомлари ёки катта ашулалардан ижро қилса, шунга хос шева ва меллизмлардан оқилона фойдалана олади.



Сойибжон
Ниёзов



Ўзбекистон халқ ҳофизи Сойибжон Ниёзов 1969 йил 28 октябрда Бухоро вилоятининг Олот туманида ишчи оиласида туғилган. 1980 йили Олот туманидаги мусиқа мактабига ўқишга кириб, 1985 йили муваффақиятли тугатди. Шу йили Бухоро мусиқа билим юртига рубоб сози бўйича ўқишга кирди. Бу ерда етук мутахассис, мақомлар билимдони Ари Бобохонов синфида таҳсил олди.

1989 йилда ўқишини тамомлаб, бир йил давомида Олот мусиқа мактабида дарс берди ва консерваториянинг кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўрди.

1990 йилдан бошлаб, Тошкент Давлат консерваториясида анъанавий ижро-чилик (хонандалик) мутахассислиги бўйича таҳсил олди. Консерваторияда устози Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Расуловдан мақом сирлари ва ижро-чилик амалиётини пухта ўзлаштириди.

Устоз Ўлмас Расулов, гарчи, хонанда бўлмаса-да, хонандалик овозини тоблаш, чиниктириш каби амалларни тўлиқ идроклайди. Ҳатто бирон бир хонанданинг ашула айтганини эшитмай, фақат гапиришидан унинг овози қандай турга мансублиги ҳақида мъълумот бера олади. Унинг хонанда шогирдлари жуда кўп. Жумладан, умр йўлдоши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Самандарова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Рустам Абдуллаев, Насиба Сатторова каби етук хонандалардир.

Сойибжон Ниёзов ҳам Ўлмас Расуловнинг хос шогирдларидан. Устоздан овоз ишлатиш, садолантириш, сақлаш каби сирларни ўрганиш баробаридан асарларнинг маҳоратли ижроси, турли воҳаларга хос шева талаффузи каби кўплаб билимларга эга бўлган. Шу боис бўлса керак, Сойибжон Ниёзов қайси воҳага мансуб ашула ижро қиласа ҳам, ўша воҳага хос талаффуз ва овоз меллизмларини ишлата олиш маҳоратига эга. Мисол учун «Шашмақом» шўйбаларидан биронтасини ижро қиласа — Бухоро шевасида, Суворийларни ижро қиласа — Хоразм шевасида. Фарғона—Тошкент мақомлари ёки катта ашулалардан ижро қиласа, шунга хос шева ва меллизмлардан оқилона фойдалана олади.

Сойибжон Ниёзовни омадли хонанда дейишимиз мумкин, чунки бир тарафда билимдон устозлар мұхити, иккінчи тарафдан табиатан ато этилган қобиляят, яғни көңгө овоз имконияти, ижронинг пухталиги ва меҳнатдан қочмаслиги ҳам шу омиллардан биридир. Бахтли хонандага бундан ортиқ омад бўлмаса керак.

Консерваториядаги талабалик йилларининг ўзидаёқ хонанда Сойибжон Ниёзов санъат аҳлиниң назарига тушган эди. Шу сабабли 1994 йили Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблига хонанда сифатида ишга таклиф этилди. Бу ансамблнинг мақом ижрочилигига ҳар бир шўйба ўз пардасидан ижро қилиниши учун лирик тенор овозлари керак бўлади. Сойибжон Ниёзов айнан шу талабларга тўлалигича жавоб бера олгани учун ҳам, шундай нуфузли мақомчилар ансамблига ишга таклиф этилган.

1995 йилда ўтказилган Юнус Ражабий номидаги халқаро мақомчилар кўрик-танловининг мутлақ голиби бўлди. Шу йили ўқиши мувваффақиятли тугаллаб, мақомчилар ансамблидаги ишини давом эттириди.

1997 йилда Самарқандда бўлиб ўтган Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов хотира-сига бағищланган хонандалар кўрик-танловида иккинчи ўрин соҳиби бўлди.

1999 йили Элликқалъа туманида бўлиб ўтган Отажон Худойшукуров хотира-расига бағищланган кўрик-танловда қатнашиб, биринчи ўрин соҳиби бўлди.

2000 йили Андижонда бўлиб ўтган «Катта ашула» республика кўрик-танловида Ўзбекистон халқ ҳофизлари Бекназар Дўстмуродов, Абдунаби Иброҳимовлар билан ҳамнафасликда биринчи ўринни эгаллашди.

2001 йили Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро фестивали кўрик-танловида Ўзбекистон халқ ҳофизи Абдунаби Иброҳимов билан биргаликда қатнашиб, биринчи ўрин соҳиби бўлишди.

Сойибжон Ниёзовга 2004 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони тақдим этилди. 2009 йили унга «Ўзбекистон халқ ҳофизи» фаҳрий унвони берилди.

Ҳозирги кунда Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблнинг олий тоифали хонандаси бўлиш билан бирга, Тошкент Давлат консерваториясининг анъанавий хонандалик бўлимида талабаларга дарс бериб келмоқда.

Сойибжон Ниёзов, нафақат, етук хонанда ва меҳрибон устоз, балки олти фарзанднинг отаси ҳамдир. Ҳозирги кунда бу ноёб овоз соҳиби Ўзбекистоннинг фаҳри ва юзи сифатида нуфузли концертлар, оммавий тадбирларда иштирок этиб келади.



Оролмирза
Сафаров



Ўзбекистон халқ ҳофизи Оролмирза Сафаров 1970 йил 20 январда Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида таваллуд топган. Ишчи зиёлилар оиласига мансуб бўлган Оролмирза Сафаров Самарқанд шаҳридаги 59-кўзи ожизлар мактаб-интернатида ўқиди.

1988 йили Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг маданий-маърифий ишлар факултетига ўқишга кирди. 1992 йили билим даргоҳини муваффақиятли тамомлади.

Кейинчалик 1995—1999 йилларда маданиятшунослик факултетининг халқ мусиқаси бўлимидаги сиртдан ўқиди. Устозлари профессор Матназар Худойназаровдан санъат сирларини эгаллади. Оролмирза Сафаров ўзи жуда зукко ва кенг тафаккур эгаси бўлганлиги сабабли, устоз ҳофизлар ижро этган ашулаларни бир-икки марта эшлиши билан ёд олиб, шу заҳоти ижро қилиш қобилятига эга бўлганлигидан, ижро дастури ҳам жуда кенгdir.

Овоз имкониятлари бекиёс бўлиб, лирик баритон деб номланади. Бундай овоз соҳиблари табиатан жуда хотиржам, оғир босиқ бўлишади. Овозлари ҳам шунга яраша тўлиқ қуюқлиги билан ажралиб туради. Оролмирза Сафаров инсон сифатида жуда покиза табиатли хонанда. У билан бир маротаба сұхбат қурган одам унинг серқирра ижодкор эканлигини пайқайди.

1992 йилдан бошлаб, халқ мусиқаси кафедрасида жўрнавозлик қилди. 1997 йилдан ўқитувчи, 2000 йилдан бошлаб эса катта ўқитувчи лавозимида фаолият қўрсатяпти. Унинг шогирдлари ҳозирги кунда устози сингари мумтоз санъат йўлидан боришмоқда.

Хонанда сифатида 1991 йилда «Камолот—91», 1997 йилда Маъмуржон Узоқов хотирасига бағишланган кўрик-танловда ғолиб бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йилдаги Фармони билан «Шуҳрат» медали, 2000 йилда «Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист» ва 2009 йили «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвонлари билан тақдирланган.

Ўзбекистон телерадиосидаги қатор чиқишилари билан мухлислар қалбидан чуқур ўрин олган. Ўзтелерадио компаниясининг олтин хазинасида Оролмирза Сафаровнинг элликдан ортиқ ижро намуналари муҳрланган.

*Абдунаби
Иброҳимов*



Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи Абдунаби Иброҳимов 1972 йил 26 февральда Салар қанда вилоятининг Ургут туманидаги Терсак икки қишлоғида туғилган. 1986-жылдан 90-ўрта мактабни тутатгач, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов номидаги Салар шаҳри санъат билим юртида устози Хироҷидин Бакаевдан таълим олди.

1995 йили ўқишни тутатиб, Тошкент Давлат консерваториясининг анық бийи ижрочилик (хонандазлик) бўлимига ўқишга кирди. У ерда Ўзбекистон УДК ҳофизи, профессор Фаттоҳхон Мамадалиевдан мумтоз санъат сирлари, маком, катта ашула ва бастакорлар асарларини ўрганди. Абдунаби Иброҳимов ўқишида жуда зийрак ва зукко талаба бўлиб, устози Фаттоҳхон Мамадалиевдан иштагидан маҳкам тутган ҳолда берилган асарларни кунт билан ўрганганди.

Ўз навбатида устозининг ҳам бу шогирдига меҳри тушган эди. Шундай пойтадар бўлар элики, ҳалто консерваториядаги дарс соатларига қониқмай, ҳофизининг ўйига бориб, дарсларни давом эттирган. Устози вафот этганидан сўнг Маҳмуджон Тожибоев синфида таълим олди.

Абдунаби Иброҳимов овози жарангдор, тўлиқ туста эга. Овозинини южори регистри ҳам нисбатан тўлиқ бўлиб. Европа овоз ўтчамларида лирик тенор ўз номланади. Унинг овоз кўлами кент бўлиб, ҳар қандай йирик ашуладарни ўз ўз пардасида ижро қилиш имкониятига эга. Шунинг учун ҳам йирик макомни жабий номидаги макомчилар ансамблига хонанда сифатида ишга тақлиф ўзди. Бу ерда устозлари, Ўзбекистон ҳалқ ҳофизлари Орифхон Ҳотамов, Ҳабиб Лутфуллаев, Ўзбекистон ҳалқ артисти Абдуҳошим Исмоиловлардан макоми ижрочилиги сирлари ва бастакорлар ижодидан намуналар ўрганиб. Узелдер компаниясининг олтин хазинасига кўплаб асарларни ёздиради.

2000 йили Андижонда бўлиб ўтган «Катта ашула» республика кўрик иштагидан Ўзбекистон ҳалқ ҳофизлари Бекназар Дўстмуровдов ва Сойибжон Нурбековдан

билан биргаликда Ҳазиний ғазали билан «Ёввойи Чоргоҳ» катта ашуласини ижро қилишиб, биринчи ўрин соҳиби бўлишди.

2001 йили Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» ҳалқаро фестивали кўрик-танловида Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи Сойибжон Ниёзов билан биргаликда қатнашиб, устози бастакор, Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи Фаттоҳхон Мамадалиев басталаган, Ҳайратий ғазали билан «Топмадим» ашуласини ижро этиб, биринчи ўрин соҳиби бўлишди.



Ўзбекистон ҳалқ ҳофизлари Б. Дўстмуродов ва А. Иброҳимов.

2000 йилдан буён республикамизнинг «Мустақиллик», «Наврӯз» ва бошқа байрам тадбирларида фаол қатнашиб келмоқда. 2008 йилда «Ўзбекистон ҳалқ ҳофизи» юксак унвони билан тақдирланди. Ҳозирги кунда мақом ансамблида ўз ижодини давом эттирмоқда.

Абдунаби Иброҳимовнинг камтарилиги, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлганларни ота-онаси ва устозлари берган тарбиянинг мевасидир. Унинг овоз имконияти, маҳорати ҳали кўплаб гўзал ашулаларни ижро этишга қодир. Шу сабабли бу санъаткордан янги асарлар ижросини муҳлис сифатида кутиб қоламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *И.А.Каримов.* Юксан маънавият -- ёнгилмас кун. Т., «М.Г.Радио» 1998.
2. *А. Маркова, М. Іброва, Д. Аспелунд.* Гигиена голоса. М., 1950.
3. *К. Олимбоева, М. Чумедов.* Ўзбекистон халқ содири тарифи. Т., 1950.
4. *И. Ражабов.* Макомлар масаласига доир. Т., 1963.
5. *М. Аҳмедов.* Ҳожи Абдулазиз Абдураслов. Т., «Ўқитувчич», 1971.
6. *Ю. Ражабий.* Мусиқа меросимизга бир назар. Т., 1978.
7. *А. Фитрат.* Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тариди. Т., «Фан», 1997.
8. *М. Ҳамидаева.* Халима Носирова. Т., 1998.
9. *Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Йосуф Левонгизо.* Ўзбек макомлари тарихини. Т., 1998.
10. *Р.Ю. Юнусов.* Ўзбек халқ мусиқа ижоди. (Илмий-устубини төрсона дар). Т., 1999.
11. *С. Бегматов.* Орифхон Ҳотамов. Т., 2000.
12. *Н. Боқий, Ҳ. Ҳамидов.* Мени ёз эт. Т., 2000.
13. *Р. Юнусов, Ф. Манаданов.* Миллӣ мусиқа ижрочилик музикантлари. Т., 2003.
14. *С. Маннапов.* Сунна наволар. Фарғона, 2002.
15. *А.Ҳ. Жабборов.* Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунинг тарифи. Т., 2003.
16. *О. Иброҳимов.* Саҳиҳ суворийлар. Т., 2004.
17. *О. Матеқубов.* Макомот. Т., 2004.
18. *Кайковус. Қобуснома.* Т., 2006.
19. *О. Набагилов.* Фергано—Ташкентские макомы. Т., 2006.
20. *С. Бегматов.* Ҳофизлик санъати. Т., 2007.
21. *Э. Матюсупов.* Устозни зелаб. Урганч, «Истевъол», 2007.
22. *М.А. Ҳамидаева, О. Иброҳимов, Д. Муллајонов.* Ҳонинглик макомлари. Жаҳон ва ўзбек миллӣ анъаналари. Т., 2009.
23. *Б. Матеқубов.* Анъанавий ижрочилик санъати тарихи. Т., 2011.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....3

Эл ардоклаган санъаткорлар

Ота Жалол Носир ўели.....	5	Жўрахон Султонов.....	15
Хожи Абдулазиз Абдурасулов.....	7	Хожихон Болтаев.....	17
Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов.....	10	Маъмуржон Узоқов.....	19
Леви Бобохонов.....	11	Комилжон Отаниёзов.....	21
Домла Ҳалим Ибодов.....	13	Ориф Алимаҳсумов.....	23

Мустакиллик мевасидан баҳраманд ҳофизлар

Орифхон Хотамов.....	26	Ҳасан Ражабий.....	49
Фаттоҳон Ҷамадалиев.....	28	Исмоилжон Ваҳбов,	
Муҳаммаджон Каримов.....	30	Исройлжон Ваҳбов.....	52
Очилхон Отахонов.....	32	Ўлмас Сайджонов.....	54
Фахриддин Умаров.....	34	Маҳмуд Йўлдошев.....	56
Одилжон Юсупов.....	37	Бекназар Дўстмуродов.....	58
Кувондиқ Искандаров.....	39	Фарҳод Давлетов.....	60
Рўзмат Жуманиёзов.....	41	Маҳмуджон Тожибоев.....	62
Алижон Эрқаев.....	43	Сойибжон Ниёзов.....	64
Эсон Лутфуллаев.....	45	Оролмирза Сафаров.....	66
Қобилжон Юсупов.....	47	Абдунаби Иброҳимов.....	67
Фойдаланилган адабиётлар.....			69

БЕКНАЗАР ДҮСТМУРОДОВ, НАВКАН МАЛІССАНОВ

ХАЛҚ ХОФИЗЛАРИ

Тошкент – «ILM ZIYO» – 2011

Мұхаррир *Н. Усманов*

Балшы мұхаррир *Ш. Оғизлов*

Техник мұхаррир *Ф. Салатов*

Мусақхан *А. Мұхамедова*

Ноширлік лицензиясы А1 № 166, 23.12.2009 жыл
2011 йыл 29 аугустда чон этишга рухсат берилді. Биіттік 848108
харфіда төрттіб, оғеет усулида чон этилди. Бое ма табори 4,5. Най салынуда 1500
1500 нүсека. Баҳоси шартнома асөнді. Буюрған

«ILM ZIYO» национальный, Тошкент, Навоній күнесі, № 53
Шартнома № 53—2011


«PAPER MAX» хуесінің корхонасынан чон этилди
Тошкент, Навоній күнесі, Зерткіл

Д99 Дўстмуродов Б., Матёқубов Ш. Халқ ҳофизлари.
Т., «ILM ZIYO», 2011. — 72 б.

1. Муаллифдош.

УДК 784(575.1)
ББК 85.314(5Ў)

ISBN 978-9943-16-038-5



«ILM ZIYO»

ISBN 978-9943-16-038-5

Barcode for the book's ISBN.

9789943 160385